O'zingni angla!

# HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2013-yil 18-sentabr, chorshanba * № 39 (843) * 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www.uzhurriyat.uz

### ЭНГ МИТТИ АВТОМОБИЛЬ

Америкада яратилган Phonix автомобили (айнан шу модель жорий йилда Гиннесс рекордлар китобига киритилди) ҳозирда жаҳондаги энг митти автомобиль ҳисобланади. Аммо сиз уни болажонларнинг ўйинчоқ автомобили деб ўйламанг.



➩ 5-бет

### «ИККИ ЭМАС, ТЎРТ ТИЛ КЕРАК»

Давлатимиз раҳбари томонидан 2012 йил, 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада кенг уфқларни очди.



➩ 6-бет

### АЛВАСТИКЎЛ

Аввалига ишонмадим. Боиси тоғда сув омбор бўлиши мумкинлиги одамни ажаблантиради. Ибтидоий тараққиёт даврида бундай сув иншооти қурилганми? Актам ака эса гапини исботлаш учун тўғон бўлган жойни кўрсатди.



➩ 8-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

* **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12-13 сентябрь кунлари Бишкекда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик (ШҲТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.**

* 13 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори матбуотда эълон қилинди.

* **Тошкентда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Венгрия ҳукуматлараро комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, банк-молия, иқтисодиёт, савдо-саноат ва шу каби бир қатор соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралар, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.**

* Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази томонидан «Минтақавий мулоқот» халқаро ташкилоти (Словения) билан ҳамкорликда «Суд амалиёти ва одил судлов стандартлари: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.



«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

2013 йил — Обод турмуш йили

# ФАРҒОНА: яшариш ва янгиланиш поғонасида



Ҳар гал Фарғона вилоятига йўлим тушса, қалбимни илиқ ва самимий туйғулар чулғаб олади. Бу гўшанинг меҳнаткаш, бағрикенг одамларию ажойиб табиатига мафтун бўлганингизни ўзингиз ҳам сезмай қоласиз.

Фарғона азал-азалдан миришкор боғбонлари, уста пахтакорлари, моҳир полвонлари, атоқли шоиру адиблари, хушовоз ҳофизлари билан довруқ таратиб келган. Қолаверса, Фарғонанинг қулай об-ҳаво иқлими боғдорчилик, деҳқончилик, умуман зироатчиликнинг юксак даражада равнақ топишида муҳим омил бўлган. Олтиариқнинг ширин-шакар узумлари, Риштоннинг қантак ўриги, Қувaнинг олма, аноридан емабсиз, дунёга келмабсиз.

Фарғона ҳақида сўз айтмоққа чоғланар эканмиз, эндиликда у юқоридаги таърифлардан ташқари, илм-фани, маданияти ва саноати гуркираб ривожланаётган, бир сўз билан айтганда, замон билан ҳамқадам бораётган вилоят сифатида кўз олдимизда гавдаланади. Таъбир жоиз бўлса, истиқлол шарофати билан водий дурдонаси — Фарғона вилоятининг иқтисодий салоҳияти, кўрку жамоли тубдан ўзгарди. Мамлакатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан вилоятнинг шаҳар ва туманларини янада обод қилиш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш, уларнинг ижтимоий-маиший шароитини яхшилаш, намунавий лойиҳадаги янги уй-жойлар қуриш, замонавий йўллар барпо этиш борасида салмоқли марралар забт этилди.



Бугун вилоятнинг қай гўшасида бўлманг, катта бунёдкорликлар ва ўзгаришларнинг гувоҳига айланасиз. Нафақат шаҳарлар ва туман марказлари, балки энг чекка қишлоқларда барпо этилаётган обод гузарлар, муҳташам мактаб ва коллежлар, кўркам қишлоқ врачлик пунктлари ҳар биримизнинг қалбимизни сурур ва завққа тўлдириши табиий.

3 ➤➤

### Кун мавзуси

## ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ САЙЛОВИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

**2013 йил 12 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан 2013 йил ноябрь–декабрда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси тасдиқланди.**

Мамлакатимизда фуқароларнинг жамият ва давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш мақсадида "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Маълумки, фуқаролик жамияти институтлари орасида энг қадимий ва ноёб, узоқ тарихий илдизга эга бўлган маҳалла алоҳида ўрин эгаллайди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб Юртбошимизнинг ташаббуси билан мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг фақат ўзимизга хос, миллий ва энг демократик институти бўлган маҳалланинг нуфузини кўтаришга нафақат иқтисодий, ижтимоий, балки — сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масала сифатида алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Шу боис давлатчилигимиз тарихида биринчи марта "маҳалла" тушунчаси Конституциямизга киритилиб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми белгилаб қўйилди. Маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва янада ривожлантиришга доир қатор қонунлар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари ва дастурлар қабул қилинди.

Натижада маҳалла фуқароларнинг ҳаётидаги кундалик муаммоларини ҳал этувчи, ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётган, юқори самарага эга бўлган, тизимли, таркибий жиҳатдан шаклланган, кенг халқ оммасининг давлатни, жамиятни бошқаришда эркин, беғараз, ихтиёрий иштирок этишини таъминловчи фуқаролик жамияти институтига айланди.

2 ➤➤

ОБУНА — 2014

Қадрли юртдошлар!

Азиз муштарийлар!
"HURRIYAT" газетаси
маънавиятимизни янада бойитишда,
ижтимоий фаоллигимизни оширишда,
жамиятни демократлаштириш,
халқимизнинг фаол фуқаролик
позициясини шакллантириш йўлида
замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан
бажараётган хайрли ишларнинг
фаол тарғиботчисидир.
2014 йил учун обуна бошланди.
Сиз ҳам жамоатчиликдан четда қолманг.
Обуна бўлинг!

*Эслатиб ўтамиз:*
*"HURRIYAT"нинг*
*нашр индекси — 233*

"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ
СИЗНИНГ ДОИМИЙ
ҲАМРОҲИНГИЗ
БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ




### Тараққиёт робиталарида

## Сифатли, кўркам ва равон



Йўллар йўлларга туташ. Улар нафақат халқлар ўртасида маданий ва ижтимоий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади, балки ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий юксалишида ҳам муҳим восита ҳисобланади. Биргина Буюк ипак йўлининг Марказий Осиё халқлари тамаддунида тутган ўрни ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

2 ➤➤

# ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ САЙЛОВИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

(Бошланиши 1-бетда.)




Сўнгги йилларда маҳалланинг нафақат обрў-эътибори, айни пайтда, ваколат ва масъулияти кўлами ҳам изчил ортиб бормоқда. Истиқлолнинг дастлабки йилларида иккита вазифани бажарган маҳалла, бугунги кунга келиб, илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатига кирган ижтимоий-иқтисодий хусусиятдаги 30 дан ортиқ вазифани бажармоқда.

Маҳалланинг самарали фаолият юритиши жамиятни ислоҳ қилиш жараёнига аҳоли кенг қатламларининг ташаббускорлигини ҳамда халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятини мумкин қадар кўпроқ жалб этиш имкониятини беради.

Маълумки, сайлов жараёнини янада демократлаштиришга, унинг очиқ ва ошкоралигини кучайтиришга қаратилган 50 дан ортиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб янги таҳрирда қабул қилинган "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонун 2013 йилнинг 24 апрелидан кучга кирди.

Янги таҳрирда қабул қилинган "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенат Кенгашига фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш муддатларини, сайловга тайёргарлик тадбирларини ўтказиш муддатлари ва тартибини белгилаш, Сенат Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиясини тузиш ваколатлари берилган.

Сенат Кенгаши томонидан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчиларининг навбатдаги сайлови 2013 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ўтказилиши эълон қилинди.

Мазкур сайловнинг олдинги сайловлардан фарқли жиҳатлари шундаки:

**Биринчидан,** бу сайловлар давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини демократлаштириш ва либераллаштириш, кучли фукаролик жамиятини ривожлантириш жараёнлари чуқурлашиб бораётган, сифат жиҳатидан янги ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий шароитда бўлиб ўтади.

**Иккинчидан,** бу сайловлар аҳолининг ижтимоий фаоллиги, унинг сиёсий ва фуқаролик ўзини ўзи англаши анча ўсган даврда ўтаяпти.

**Учинчидан,** навбатдаги сайловлар сайлов жараёнини янада демократлаштиришга, унинг очиқ ва ошкоралигини кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонун асосида ўтказилади.

Эътиборли жиҳати шундаки, бўлажак сайловда 9756 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 97 минг нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланиши режалаштирилмоқда. Бу эса ушбу сайловнинг кўлами ва аҳамияти ниҳоятда катта эканлигидан далолат беради.

Қонунга мувофиқ, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови ошкоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида ўтказилади.

Қонуннинг 12 моддасига кўра, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, тегишли халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгаши қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари тузилади.

Комиссиялар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссиялари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш даврига тузилади. Туманлар ва шаҳарлар комиссиялари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларининг навбатдаги сайлови эълон қилинганидан кейин ўз фаолиятини тугатади.

Комиссиялар таркибига, қоида тариқасида, фуқаролар йиғинларининг, давлат органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вакиллари киритилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар комиссияга аъзо шахслар ёхуд уларнинг яқин қариндошлари орасидан кўрсатилган тақдирда, улар комиссия таркибидан чиқарилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш тартибига ҳам ўзгартишлар киритилган. Мазкур ишчи гуруҳ амалиётда кўпинча фуқаролар йиғини кенгаши қарори билан тузилар эди. Эндиликда ишчи гуруҳ фақат фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) қарори билан тузилади ҳамда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларининг навбатдаги сайлови эълон қилинганидан кейингина ўз фаолиятини тугатади.

Шунингдек, ишчи гуруҳлар фаолиятида холисликни янада кучайтиришга, номзодларга бир хил шароитни таъминлашга қаратилган янги талаблар ҳам киритилган. Хусусан, ишчи гуруҳ таркибига, қоида тариқасида, фуқаролар йиғинининг, тегишли ҳудудда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа вакилларидан ташқари эндиликда халқ депутатлари тегишли туман (шаҳар) Кенгашининг депутати ҳам киритилади. Бундан ташқари, нафақат фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), унинг маслаҳатчилари, балки шу билан бирга фуқаролар йиғини органларининг бошқа ходимлари, шунингдек, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодларнинг, фуқаролар йиғини органлари бошқа ходимларининг яқин қариндошлари ҳам ишчи гуруҳ таркибига киритилиши мумкин эмас.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар ишчи гуруҳга аъзо шахслар ёхуд уларнинг яқин қариндошлари орасидан кўрсатилган тақдирда, улар ишчи гуруҳ таркибидан чиқарилади.

Ишчи гуруҳнинг ваколатлари ҳам кенгайтирилди. Яъни эндиликда ишчи гуруҳга:

ҳовлилар, уйлар, кўчалар ҳамда шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги маҳаллалар аҳолисининг фуқаролар вакиллари сайлови бўйича умумий йиғилишларини ташкил этиш ва ўтказиш;

ҳовлилар, уйлар, кўчалар ҳамда шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги маҳаллалар аҳолиси умумий йиғилишининг иштирокчиларини рўйхатга олиш ҳамда фуқароларнинг сайланган вакиллари ҳақидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда аҳолининг умумий йиғилиши баённомасини тузиш;

тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда тегишли комиссияга тақдим этиш учун нафақат фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), балки шу билан бирга унинг маслаҳатчилари лавозимига ҳам номзодлар бўйича таклифлар тайёрлаш;

бўшаб қолган ўринларга фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилишини ташкил этиш каби янги ваколатлар ҳам берилди.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикри инобатга олинган ҳолда ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади.

Номзодлар кўрсатиш жараёнидаги янгиликлар шулардан иборатки, ишчи гуруҳ фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларга доир ҳужжатларни тайёрлайди ва туман ёки шаҳар ҳокими билан келишиш учун тегишли комиссияга сайловдан камида ўн кун олдин тақдим этади. Ҳужжатларга фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларнинг ўз номзоди кўрсатилишига ёзма розилиги илова қилинади. Шунингдек, туман ёки шаҳар ҳокими фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) лавозимига тақдим этилган номзодларнинг ҳужжатларини кўриб чиқади ва ўзининг ушбу номзодлар бўйича асосლантирилган хулосаларини кейинчалик ишчи гуруҳларга топшириш учун тегишли комиссияларга юборади.

Бундан ташқари, ишчи гуруҳ туман ёки шаҳар ҳокимининг хулосасини олганидан кейин фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига келишилган номзодлар ҳақидаги ахборотни сайловдан камида беш кун олдин фуқаролар йиғини биносига ва гузарларга осиб қўяди. Бу эса, сайловнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга хизмат қилади.

Киритилган муҳим ўзгартишлардан яна бири фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларга қўйиладиган талабларнинг кучайтирилганлигидир. Хусусан, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши, қоида тариқасида, олий маълумотга эга бўлиши, бевосита сайловга қадар камида беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган бўлиши, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларда ёхуд тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, шунингдек, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, оғир ёхуд ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар, шунингдек, суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётганлар, ҳақиқий ҳарбий хизматдаги шахслар, диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

Яна бир янгилик: фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар тегишли ҳудудда доимий яшайдиган фуқароларнинг фикрлари инобатга олинган ҳолда ишчи гуруҳ томонидан кўрсатилади. Аввалги сайловларда фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар фуқаролар йиғини кўриб чиқиши учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) томонидан тақдим этилар эди. Ушбу норма сайлов тизимини янада демократлаштиришга, шунингдек, маслаҳатчилар лавозимига номзодларни танлашда уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик ва бошқа салбий ҳолатлар пайдо бўлишининг олдини олишга хизмат қилади.

Фуқаролар йиғинини (фуқаролар вакилларининг йиғилишини) ўтказиш тартибига ҳам ўзгартишлар киритилди. Хусусан, фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) ишчи гуруҳнинг раҳбари раислигида ўтказилади.

Фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) кун тартибига, қоида тариқасида, саноқ комиссиясини сайлаш, фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) сайлаш ва фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) маслаҳатчиларини сайлаш масалалари киритилади.

Фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) раислик қилувчи фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодларни эълон қилгандан кейин фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларнинг ҳар бирига ўзининг келгуси фаолият дастурини эълон қилиш учун алифбо тартибида сўз беради.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар ўзининг келгуси фаолият дастурини эълон қилиши лозимлиги тўғрисидаги қоиданинг киритилганлиги фуқаролар у ёки бу номзодни сайлаш масаласига тўғри ёндашишига, номзоднинг фуқаролар йиғини фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги режаларидан хабардор бўлишига, шунингдек, агар раис бўлиб сайланган тақдирда, унинг фаолиятини назорат қилиб боришига замин яратади.

Овоз беришни ўтказиш тартибига киритилган ўзгартишга мувофиқ фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари сайлови очиқ овоз бериш орқали ўтказилаётганда, овоз бериш ҳар бир номзод бўйича қўл кўтариш йўли билан ўтказилади. Бунда фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) раислик қилувчи фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларни аввалги сайловлардагидек таклифларнинг келиб тушиш тартибига қараб эмас, балки алифбо тартибида овозга қўяди. Бу эса сайлов жараёнининг энг муҳим босқичи ҳисобланган очиқ овоз беришнинг демократик асосда ўтказилиши учун ҳуқуқий кафолат яратади.

Шунингдек, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар бўйича овоз бериш ўтказилганидан кейин, фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) раислик қилувчи фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) маслаҳатчилари лавозимига номзодларни алифбо тартибида овозга қўяди.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари сайлови яширин овоз бериш орқали ўтказилаётганда фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) иштирокчиларига саноқ комиссияси томонидан сайлов бюллетенлари берилади.

Бюллетенга фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибида киритилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиларини сайлашда бюллетенларни бериш бевосита овоз беришдан олдин бошланади.

Бюллетень овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида тўлдирилади. Аввалги сайловларда овоз берувчи ўзи қарши овоз бераётган номзодларнинг бюллетендаги фамилиясини ўчирар эди. Эндиликда овоз берувчи бюлетеннинг ўнг томонида ўзи ёқлаб овоз бераётган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси лавозимига номзоднинг фамилияси қаршисида жойлашган бўш квадратга белги-крестик қўяди. Овоз берувчи тўлдирилган бюллетенни сайлов қутисига ташлайди. Сайлов қутилари овоз бериш тугаганидан кейин саноқ комиссияси томонидан очилади.

Бундан ташқари, фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) иштирок этаётган фуқароларнинг айримлари овоз беришда иштирок этмаслиги мумкинлигини инобатга олиб, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови якунларини чиқариш тартибига ҳам ўзгартиш киритилди. Эндиликда фуқаролар йиғинида ҳозир бўлган фуқароларнинг эмас, балки овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг ярмидан кўпроғи овозини олган номзод фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси лавозимига сайланган ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, сайловни қонунга мувофиқ юксак ташкилий-ҳуқуқий ва демократик даражада ўтказиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг, маҳалланинг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрнини янада мустаҳкамлашга, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» принципини изчил амалга оширишга ёрдам беради.

**Эркин РЎЗМЕТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси аъзоси,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси**

# Сифатли, кўркам ва равон

(Бошланиши 1-бетда.)

Истиқлолимиз шарофати билан мамлакатимиздаги барча соҳалар қатори йўлсозлик ҳам жадал суръатлар билан ривож олди, хориж тажрибасидан келиб чиқиб нафақат уларнинг сифати, балки дизайнига ҳам эътибор қаратилди. Магистраль йўл ёқаларида хизмат кўрсатиш инфратузилмалари шакллантирилди. Соҳа ривожини 1991 йилда бажарилган ишлар билан солиштирганда цементбетон қопламали йўллар 157 километрга асфальтбетон йўллар эса 1122 километрга кўпайганида кўришимиз мумкин. Махсус қопламали йўлларнинг узунлиги 500 километрдан зиёдроққа ошган бўлса, тош-шағал йўллар 1902 километрга қисқарди. Бу мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга бўлаётган 42654 километрлик "қон томир"нинг техник жиҳатдан "соғломлашганини кўрсатади.

Ўтган йиллар давомида кўприксозлик бўйича ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Айниқса, денгиз сатҳидан 2 минг 268 метр баландликда жойлашган Қамчиқ довони йўлсоз замондошларимиз қўли билан яратилган ноёб мўъжизалардан биридир. Ўтган йиллар давомида яна 175 та кўприк ҳамда 19 та йўл ўтказгич ва транспорт ечимлари ҳам таъмирдан чиқарилди.

Йўлсозликнинг бу даражада тез суръатлар билан ривожланишида давлатимиз раҳбарининг "2009-2014 йилларда Ўзбек миллий автомагистралини реконструкция қилиш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбек миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервисини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари асосий омил бўлмоқда. Ушбу қарорлар асносида халқаро ва республика аҳамиятидаги 3722 километрдан ортиқ йўллар қайта қурилди. Ўзбек миллий автомагистрали таркибига кирувчи 238 километрлик автомобиль йўли тўрт тасмали йўлларга ўтказилди.

— Янги йўлларни қуриш бўйича ишлар ҳали узоқ давом этади, — дейди "Ўзавтойўл" ДАК раиси ўринбосари Шуҳрат Назаров. — Президентимизнинг "2011-2015 йилларда инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида"ги қарори ижросига мувофиқ 2300 километрдан ортиқ йўлларни қуриш ва реконструкция қилиш кўзда тутилган.

Дарҳақиқат, кейинги йиллар давомида йўлсозларимиз зиммасига Бейнов-Қўнғирот-Бухоро-Навоий-Самарқанд-Тошкент-Андижон йўналиши бўйича 1000 километрдан ортиқ йўлни қуриш ва реконструкция қилиш, Урганч-Чолиш автомобиль йўлининг Амударё устидан ўтган қисмида 650 погонометрлик кўприк қуриш, Қамчиқ ва Резак туннелларининг ёритиш, вентиляция ва ўт ўчириш тизимларини модернизация қилиш каби вазифалар юклатилган. Шунингдек, Гулистон-Оҳангарон, Самарқанд-Ғузор, Тошкент-Ўш автомобиль йўлларда ҳам қурилиш ишлари олиб борилади.

Таъкидлаш керакки, автойўлларни қуриш ва таъмирлаш ишларида хусусий ҳамда хорижий компаниялар мутахассислари ҳам иштирок этмоқда. Масалан, Андижон вилоятида бунёд этилган йўлларнинг 50 фоизидан кўпроғи хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланишга топширилган бўлса, Тошкент-Ўш йўналишидаги йўлнинг 58 километрини таъмирлаш ишлари Испания компанияси томонидан амалга оширилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш



мумкин. Йўлсозликда фаолият юритаётган бу каби корхоналар соҳада соғлом рақобатни таъминлаб келмоқда. Рақобат эса сифатнинг биринчи шартидир. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мамлакатимизда сўнгги йилларда қурилаётган йўллар сифатли, замонавий, қулай ва халқаро талабларга тўла жавоб бера олади.

**Ҳасан САЛОМОВ,**
**"Hurriyat" мухбири**

# ФАРҒОНА: яшариш ва янгиланиш поғонасида

(Бошланиши 1-бетда.)

### ВОДИЙ ГАВҲАРИНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Мазкур бунёдкорлик ишларини рўёбга чиқаришда Президентимиз томонидан қабул қилинган "2012-2015 йиллар даврида Фарғона шаҳри бош режасини амалга ошириш, ижтимоий ҳамда транспорт-коммунал инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорнинг алоҳида ўрни бор, албатта. Унга асосан шаҳар бош режасини амалга ошириш учун уч йил мобайнида 1 триллион 300 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Беш-ўн йил эмас, балки узоқ истиқболни кўзлаб, кенг қамровда олиб борилаётган бу бунёдкорликларнинг бошланганига ҳам икки йил тўлмоқда. Қувонарлиси шуки, ўтган қисқа даврда Фарғона шаҳри қайтадан бунёд бўлиб, унинг қиёфаси бутунлай ўзгарди.

— Очиғи, шу кунгача Фарғона шаҳри марказида аҳоли учун мароқли дам олиш масқани, истироҳат боғи ёки хиёбон йўқ эди, — дейди вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг бошлиғи Муроджон Маҳкамов. — Юртбошимизнинг қарорига асосан, шаҳар марказида 36 гектар майдонни эгаллаган хиёбон, миллий ва замонавий меъморчилик анъаналари асосида муҳташам санъат саройи қад ростламоқда. Кириш қисми саҳнининг ўзи 720 квадрат метрни, минг ўринли томошабинлар зали саҳни 9 минг квадрат метрни ташкил этувчи мазкур кошонада қурилиш ишлари якунига етмоқда. Шаҳар марказий майдонидаги хиёбонга эса дунёдаги энг ноёб дарахт кўчатлари ўтқазилди. Шаҳарни тўлиқ қамраган 16 километрлик ҳалқа йўлининг фойдаланишга топширилиши фарғоналикларга ҳам, меҳмонларга ҳам катта қулайлик яратди. Айни вақтда 20 минг ўринли замонавий стадион қурилиши ҳам жадал бормоқда. Зотан, у ишга тушса, футбол мухлисларини янада хурсанд қилиши баробарида мажмуада халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш имкони туғилади.

Ватанимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Фарғонада ҳам намунавий лойиҳадаги уй-жойлар қурилиши жадал суръатларда давом этмоқда. «Обод турмуш» йили дастурига кўра, йил давомида 14 та тумандаги 30 та массивда 850 та уй-жой қурилиши мўлжалланган бўлса, айни кунда қурилиш ташкилотлари томонидан 37 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. "Қувасой таъмирқурилиш" МЧЖ қурувчилари томонидан Фарғона Олимпия захиралари коллежининг ёпиқ сузиш ҳавзаси бунёд этилмоқда. Айни пайтгача объектда 5 миллиард 300 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, иншоот фойдаланишга топшириш арафасида турибди. Қишлоқ массивлари ҳудудида қурилиши белгиланган жами 24 та (жумладан, 8 та маҳалла гузари, 5 та савдо мажмуаси, 5 та новвойхона, 1 та мини банк, 5 та маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси) ижтимоий соҳа ва бозор инфратузилмаси объектларида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда.


Фарғона шаҳридаги фавворалар.

### «ИСЛОҲОТ — ИСЛОҲОТ УЧУН ЭМАС, ИНСОН УЧУН»

Мустақиллик йилларида инсонлар саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш, малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда туб ўзгаришлар бўлганини кўриб турибмиз. Буни Фарғона вилояти мисолида олиб кўрсак, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, уларни замонавий ташхис ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, касалликлар профилактикасини кенгайтириш ҳамда даволашнинг илғор технологиялари ва методларини жорий этиш борасида салмоқли ишлар қилинганига амин бўламиз. Ҳозирда вилоятдаги мавжуд 514 та даволаш-профилактика марказининг 78 таси йирик шифохона ҳисобланади. Асосийси, ушбу муассасаларда бугунги кунда хорижда ишлаб чиқарилган энг замонавий тиббий ускуналардан фойдаланилмоқда.


Бувайда тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли туғуруқ мажмуаси шифокори Аҳрор Норматов, ҳамширалар Маҳфуза Аҳмаджонова ва Саноат Йўлдошева.

"Саломатлик-1", "Саломатлик-2", «Саломатлик-3» лойиҳалари асосида вилоятда бунёд этилган, қайта таъмирланган 293 та ҚВПга ўрнатилган ускуна ва жиҳозлар катта шаҳарлардаги шифохоналарникидан асло қолишмайди. Кейинги йилларда туман ва шаҳарларда тез тиббий ёрдам бўлимлари ишга туширилиб, бир неча туманлардаги марказий шифохоналар, кўп тармоқли поликлиникалар реконструкция қилинди, янгилари бунёд этилди. Бувайда туманидаги болалар бўлими, чақалоқлар хасталиклари бўлими шулар жумласидан. Бешариқ туманида 120 ўринли шифохона қурилиши учун 3 миллиард 700 миллион сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, Бешариқ ва Риштон туманларининг олис қишлоқларида 4 та янги ҚВП бунёд этилди. Қўштепа туманида 170 ўринли марказий шифохона ҳамда 100 ўринли Лангар бўлимида мукаммал таъмирлаш ишлари ниҳоясига етаётир.

Вилоятда меҳнаткашларни ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг яхши дам олишлари ҳамда соғликларини тиклашлари учун санаторийларга кўплаб йўлланмалар тақдим этиб борилмоқда. Жумладан, фермер хўжаликларида ишлаётган 100 нафар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлган 60 нафар ходим касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда соғломлаштирилди. Турли соҳаларда ишлаётган 25 та ёш оила аъзоларига "Умид гулшани" сиҳатгоҳига имтиёзли йўлланмалар берилди. Бугун бараллa айта оламизки, буларнинг барчаси Юртбошимизнинг ташаббуси, бевосита раҳбарлиги остида амалга оширилаётган "Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун" деган шиорнинг изчил рўёбидир.


Фарғона шаҳридаги "Нефтчи" профессионал футбол клуби тасаррруфидаги болалар ва ўсмирлар футбол мактабида.

### БАРДАВОМ АНЪАНАЛАР

Фарғона ўзининг қўли гул ҳунармандлари, косиблари ва чеварлари билан азал-азалдан маълуму машҳур. Айниқса, Марғилоннинг ноёб матолари, атласу адраслари ва бетакрор дўппиларини ҳаммамиз яхши биламиз. Пойтахтимиздаги «Отчопар», «Бекбарака» каби бозорларга тушарканcиз, «бу Қўқонники», «бу Марғилонда тайёрланган» деган сўзларни кўп эшитасиз. Таъкидлаш керакки, вилоятда маҳаллий инвестициялардан ташқари чет эл инвестициялари асосида ҳам кўплаб корхоналар фаолият юритмоқда. Шундай корхоналар рўйхатига Учкўприк туманидаги "Ҳумо тўқимачи" МЧЖда калава-ип, Фарғонадаги "Экопласттекс" МЧЖда полиэфир тола, Данғара туманидаги "Bursal shoes" МЧЖда пойафзал чиқариш корхоналарини киритиш мумкин. Шунингдек, Қўқон шаҳридаги "Indorama Kokand Textile" Ўзбекистон-Сингапур қўшма корхонасида 750 нафар ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Бу ерда кунига 40 тонна сифатли калава-ип тайёрланиб, маҳсулотнинг 87 фоизи Германия, Франция, Шри-Ланка, Эрон, Бразилия давлатларига жўнатиляпти. Шунингдек, бир йилда 8200 тонна калава-ип ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган "Фарғона Турон текстил" МЧЖ жамоаси ҳам маҳсулотнинг 82 фоизини экспорт қилмоқда.

"Фарғона нефтни қайта ишлаш" заводи, "Фарғонаазот" ОАЖ, "Қувасойцемент", Қувасойдаги "Кварц", "Фарғонацемент" каби йирик саноат корхоналари ҳам юртимиз равнақига, айниқса, Фарғона вилояти тараққаётига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 10 фоиз, саноат маҳсулотлари 8,5 фоиз, халқ истеъмоли моллари 4,5 фоиз, ўзлаштирилган инвестициялар 26,6 фоизга ўсганини кўрамиз. Хорижий инвестициялар иштирокидаги 117 та корхона томонидан 436,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўсиш 111 фоизни ташкил этди.

Асакадаги "GM Uzbekistan" қўшма корхонасига 183 турдаги бутловчи ва эҳтиёт қисмлар тайёрлаб берадиган "UZSUNGWOO" Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонасининг вилоят саноат ишлаб чиқаришидаги улуши 4,5 фоизни ташкил этмоқда. Корхонада йилига 82,7 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот тайёрланиши эвазига 25 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги валюта тежалишига эришилмоқда. Айни пайтда цехлар илғор технологиялар билан жиҳозланиб, ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ автоматлаштирилган. Бу эса йилига 120 мингта эҳтиёт ва бутловчи қисмлар тайёрлаш имконини бермоқда.


"Фарғона Турон текстиль" масъулияти чекланган жамияти ишчиси Муяссар Турсунова.


"UZSUNGWOO" Ўзбекистон – Жанубий Корея қўшма корхонаси ишчилари Достон Раҳмонов ва Алижон Адҳамов.


"Файз Бинокор Олтиариқ" хўжаликлараро кўчма механизациялашган колонна қурувчилар Файзулла Йўлдошев ва Шамсиддин Боймирзаев.

Вилоятда ҳар бир туман ва шаҳарларнинг ихтисослашуви, мавжуд инфратузилманинг модернизация, шунингдек, реконструкция имкониятларини ҳисобга олган ҳолда истиқболли лойиҳалар танлаб олиниб, дастур ишлаб чиқилган. Унга кўра, 1359 та лойиҳа фойдаланишга топширилиб, 65,1 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция ўзлаштирилди. Шунинг ҳисобига 6478 та янги иш ўрни ташкил этилиб, 10 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқилди. Жумладан, саноат бўйича 235 та, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини юксалтириш бўйича 899 та, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича 255 та лойиҳалар рўёбга чиқарилди.

### КРЕДИТЛАР ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда банк ва мижоз муносабатлари янада такомиллашиб, аҳолининг банкларга ишончи тобора ортиб бормоқда. Буни кредит олувчиларнинг сони йил сайин кўпайиб бораётганидан ҳам билса бўлади. Фарғона вилоятида фаолият юритаётган тижорат банклари ҳам "Обод турмуш йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш, аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандликни ривожлантириш мақсадида 7,1 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратди. Бундан ташқари, аҳолига уй-жой қуриш ва сотиб олиш (ипотека кредити) учун тижорат банклари томонидан 37 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар тақдим этилди. Албатта, буларнинг барчаси халқимиз турмуш даражасининг ўсишига хизмат қилмоқда.

Мустақилликка эришганимиздан буён оилаларни янада мустаҳкамлашга ва аёлларнинг жамиятдаги мақомини ошириш, ижтимоий фаоллигини кучайтириш, иш билан бандлигини таъминлаш, уй-рўзғордаги ишларини енгиллаштириш мақсадида салмоқли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Шу маънода вилоят тижорат банклари томонидан жорий йилнинг 6 ойи мобайнида 192 нафар тадбиркор аёлга 1 миллиард 21 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Натижада уларнинг ўз ишларини кенгайтиришлари эвазига минглаб янги иш ўринлари яратилди.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази вилоят бўлими ҳамкорлигида тадбиркорликка қўл ураётган аёлларнинг иқтисодий билимини ошириш, уларни иш билан таъминлаш ва оилавий тадбиркорликка жалб этиш мақсадида Қувасой ва Фарғона шаҳарлари, Фарғона туманида "Микрокредитбанк" вилоят бўлими ҳамкорлигида бир қатор семинарлар ташкил этилди. Ҳозирда 94 нафар тадбиркор аёлга 300 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Вилоятда "Меҳр нури" жамғармаси томонидан «Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган грантлар", "Кичик ва ўрта тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантиришга қаратилган грантлар" танловлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, "Обод турмуш йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Фарғона, Марғилон, Қувасой шаҳарларида, Бешариқ, Данғара туманларида тадбиркор аёлларга ҳамда маҳалла маслаҳатчиларига "Менинг оилавий бюджет китобчам", "Ўз кўрсаткичларингни билиб ол", "Менинг пулларимни режаловчи китобчам" мавзуларида бир нечта семинарлар ўтказилди.

### ЖАҲОН АРЕНАЛАРИДА

Бугун соғлом турмуш тарзини жисмоний тарбия ва спортсиз тасаввур этиб бўлмайди. Вилоятда ёшлар, айниқса, қизларни спортга жалб қилишда ҳам салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Буни вилоятда юздан ортиқ жаҳон ва Осиё чемпионати ғолиб ва совриндорлари, 19 нафар халқаро тоифадаги спорт усталари фаолият олиб бораётганидан ҳам билишимиз мумкин. Жумладан, Ўзбекистон терма жамоаси етакчиси Нафиса Мўминова 2013 йилда Халқаро шахмат федерациясининг халқаро гроссмейстер унвонига мушарраф бўлди. Ҳарбий техника йўналишидаги академик лицей ўқувчиси Иброҳим Олимов Бангкок шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда комбат айкидо спорт турида вазн тоифасида 1 ўринни эгаллади. Филиппинда бўлиб ўтган ёшлар ўртасида бокс бўйича Осиё беллашувида Ойбек Шарипов олтин медални қўлга киритган бўлса, ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати ғолиби, Осиё биринчилигининг кумуш медаль соҳиби Акмалжон Қосимов "Энг яхши ёш боксчи" унвонини олди. Ёрмозор академик лицейи ўқувчиси Хонзодабегим Аъзамова спортнинг пенчат силат туридан олти карра мамлакат чемпиони бўлди. Вилоят бокс мактаби тарбияланувчиси, қўқонлик Баҳодир Мамажонов жорий йилнинг апрель ойида АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида Жаҳон бокс ассоциацияси томонидан ўтказилган мусобақада мутлақ ғолиб сифатида тан олинди. Юқоридаги сингари мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, вилоят ёшлари жаҳон ареналарида юксак чўққиларни забт этиб, юртимиз довруғини жаҳонга таратмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда Фарғона аҳли ҳам барча ҳамюртларимиз қатори битта мақсад йўлида якдил ва ҳамжиҳатликда барча жабҳаларда ҳормай-толмай меҳнат қилишмоқда. Зотан, бу йўл жонажон Ватанимизнинг эртанги равнақи ва эл фаровонлигини таъминлашдир.

**Бобур МУҲАММАДИЕВ,**
**"Hurriyat" мухбири**

*Суратлар муаллифи*
*Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА)*



Данғара саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Фарида Умаралиева тенгдошлари даврасида.


Қува туманидаги тиббиёт коллежи.


Риштон тумани Бўжай қишлоғида яшовчи кулол Усмонали Тошпўлатов.

Касб синоатлари

# ЖУРНАЛИСТ БЎЛИШ ОСОН ЭМАС



**Илк хабарим 1971 йилнинг февралида «Адабий кеча» сарлавҳаси остида туман газетасида чоп этилгани кечагидек ёдимда. У ёзувчи Шуҳратнинг «Олтин зангламас» романига бағишлаб мактабимизда ўтказилган китобхонлар анжумани ҳақида эди. Ўшанда 8-синфда ўқирдим. Шу-шу бўлди-ю, тез-тез хабарлар, лавҳалар ёзиб турадиган бўлдим. Ўша пайтларда менда, албатта, журналист бўлиш истаги баланд эди.**

Ўрта мактабни битиргач, ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетига ҳужжатларимни топшириш учун йўл олдим. Аммо газетада чоп этилган мақолаларни йиғиб бормаганим учун ҳужжатларимни қабул қилишмади.

1973 йилдан бошлаб туман газетасида корректор бўлиб ишлай бошладим. Таҳририятда менга муҳаррир (марҳум) Мамараҳим Мардиев, тажрибали ходимлар Рустам Аминов, Миршариф Хўжаев газетачиликнинг сир-асрорларини ўргатишди. Очиғи, газетачиликнинг ўта оғир ва машаққатли меҳнатини ўшанда ҳис қилганман. Бунинг устига, таҳририят уйимиздан 35-40 километр узоқликда бўлиб, баъзи кунлари газета тунги соат 11-12 ларда чоп этиларди. Натижада таҳририятнинг ўзида ётиб қолишга тўғри келарди.

Қайсидир байрам арафасида газета чоп этишга рухсат этилиб, қўл қўйилгач, масъул ходимлар уй-уйига кетишди. Газета навбатчиси сифатида мен ва босмахона ишчиси қолгандик. Нима бўлди-ю, ҳалиги ишчи саҳифа олишга тайёрлаб қўйилган қўрғошин сатрлардан иборат қолипни қўлидан тушириб юборди. Ана энди кўринг ташвишни. Икки нўноқ йигит нима қилишимизни билмасдик. Хайриятки, уйи яқин бўлган босмахонанинг тажрибали ходими бизни бу вазиятдан қутқарди. Унинг ёрдамида сочилиб кетган қаторларни бирма-бир жойлаштириб, соат эрталабки саккизга қадар газетани чоп этдик. Ҳозирги ёшлар буни тасаввур қила олмасликлари мумкин. Аммо ўша пайтларда газетада ишлаш машаққат эди, десам хато қилмаган бўламан.

Бундан ўттиз йиллар муқаддам муҳаррир ўринбосари ўрта мактабни битираётган ўқувчиларнинг етуклик аттестатларига баҳоларни ошириб қўйган мактаб директорининг қилмишлари ҳақида фельетон тайёрлади. Аммо район раҳбарлари бундан хабар топиб, чоп этишга изн бермади. Шундан сўнг муаллиф уни «Муштум» журналига юборди. Фельетон журналда босилгач, катта шов-шув бўлди. Айбдорларга чоралар кўрилди. Аммо ўша даврдаги район раҳбари фельетонни ёзган кишини ишдан бўшатаман, деб кўп сиқувга олганди. Очиғи, бундай воқеалар у даврларда кўп бўлган.

Юртимиз мустақилликка эришгач, ОАВ фаолиятида туб ўзгаришлар юз берди. Жумладан, соҳага алоқадор бир қатор қонунлар қабул қилиндики, улар бизнинг эркин фаолият олиб боришимизга хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда матбуот ва оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар бугунги кунда ўзининг самарасини бермоқда. Айниқса, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ташкилотчилигида амалга оширилаётган ишлар эътиборга лойиқдир. «Олтин қалам», «Йилнинг энг фаол журналисти», «Йилнинг энг фаол ёш журналисти» ва бошқа кўплаб кўрик-танловлар ҳамкасбларимизни янада юксак парвозларга чорламоқда. 2011 йилда «Йилнинг энг фаол журналисти» танловида қатнашиб ғолиб бўлган эдим. Очиғини айтганда, бу менга катта масъулият юклаш билан бирга кучимга-куч, ғайратимга-ғайрат қўшди.

Муҳтарам Президентимиз томонидан оммавий ахборот воситалари ходимларига катта эътибор берилаётгани бизни ҳар жиҳатдан қувонтирмоқда. Президентимизнинг 2012 йилда соҳа ходимларига йўллаган байрам табригида тараққиётимизга тўғаноқ бўлаётган мавзулардаги таҳлилий-танқидий мақолаларни кўпайтириш, мард, жасур журналистларни қўллаб-қувватлаш ҳақида айтган сўзлари зиммамизга масъулият юклади. Айни пайтда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳар чоракда энг яхши таҳлилий-танқидий мақолаларни мониторинг қилиб бормоқда. Бу, шубҳасиз, туманимиз нашри «Оқдарё овози», жамиятимизда учраб турган салбий иллатларни тугатишга хизмат қилмоқда. Ўз навбатида бизнинг газетамизда ҳам таҳлилий-танқидий мақолаларга жиддий эътибор қаратилмоқда. Энг асосийси, танқидий чиқишлардан кейин мутасадди ташкилотлардан тегишли жавоб хатлари олаяпмиз.

Ахир аҳоли кўриб, билиб турган муаммоларни биз журналистлар биринчи бўлиб газета саҳифаларига олиб чиқишимиз, таҳлил қилишимиз, пировардида уларни бартараф этилишига ҳисса қўшишимиз бизнинг асосий вазифаларимизга киради.

Бугун биз яшаётган, глобаллашув ва интернет асри деб ном олган даврда тараққиёт шиддат билан ўзгариб бораётган замонда оммавий ахборот воситаларининг фаолият кўлами, инсон ва жамият ҳаётига таъсири мисли кўрилмаган даражада кучайиб бормоқда. Ҳозирда ОАВ ахборот, маълумот етказиш, одамларни янгиликлар билан таништириш воситасигина эмас, балки теварак-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни кузатиш, унга тўғри ва холис баҳо бериши лозим. Чунки одамлар ҳар бир янгиликни, энг аввало, ОАВдан эшитади ва бунга ишонади. Буни бир зум ҳам унутишга ҳаққимиз йўқ.

**Йўлчи МУҲАММАДИЕВ,**
**Оқдарё тумани «Оқдарё овози» газетаси муҳаррири**

Хотира — азиз

# Касбига содиқ, дўстга меҳрибон эди



**Биз Зуфаржон билан Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) бағрида деярли бир пайтда таҳсил олган бўлсак-да, кейинчалик, асосан иш жараёнида янада яқинроқ танишиб, дўстлашиб кетгандик. Мен ҳозирги Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида, у эса республикамиздаги нуфузли даргоҳ — "Ўзбекистон" нашриётида хизмат қилардик.**

Хизмат юзасидан тез-тез суҳбатлашиб, фикр алмашишни касбимиз муштараклиги ҳам тақозо этарди. Турли тадбирлар, тушлик пайтларида у ер-бу ерда бирон соат ҳамсуҳбат бўлардик. Шундай кезларда унинг тўғрисўзлиги, адолатпарварлиги эътиборимни тортар, ҳурматини оширарди. Унинг нашриёт ҳамда таҳририятлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни янада яхшилаш ҳақидаги жонкуярлик билан қилган таклиф ва тавсиялари ўринли бўлар, бир-биримиз билан ҳамжиҳатликда ишлаш мароқли эди.

Зуфаржон Жўраев ўзига ишониб топширилган вазифаларга нисбатан ғоятда масъулият билан ёндашгани учун ҳам ҳамкасбларининг эътиборини қозонган, қизғин ижодий жараён қучоғида яшарди. У "Ўзбекистон", "Меҳнат" нашриётлари жамоаларида масъул вазифаларда фаолият кўрсатган пайтларда ҳам ўзи яхши билган мутахассисларни таҳрир, таржима ишларига жалб қилиб, ўзига хос ижодий муҳит ярата оларди. Бир воқеа ҳали ҳамон эсимдан чиқмайди. Ундан таржимага олган ишни бошқа юмушлар билан кўпроқ банд бўлиб, амалга ошира олмадим. Шунда у мендан иш жараёни хусусида хушмуомалалик билан суриштирди. Очиғини айтган эдим, Зуфаржон жиддийлашди.

— Унда менда бир таклиф бор. Ишхонадан бир ҳафтача уйда ишлашга рухсат оламан. Қўлингиздаги таржиманинг таҳрири менга юкланган. Ҳамкорликда бир йўла ҳам таржима, ҳам таҳрир ишларини бажарсак, вақтдан ютамиз...

Эътироф этиш жоизки, Зуфаржон, айниқса, сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, илмий-фалсафий, тиббий соҳалардан пухта хабардор, анча билимдон ва зийрак ижодкор эди. Баъзан, ҳатто айрим сўз, ибора, жумлалар устида қизғин баҳслашиб қолардик. Кўпинча у ҳақ бўларди. Фикр алмашиб, ҳар бир масала ёки муаммони теран мушоҳада билан маромига етказиб, ҳал қилардик. Дейлик, навбатдаги жумлалар таржимаси устида узоқроқ бош қотириб қолаётганимни ёки баъзида сўз ва жумлалар ғализроқ чиқаётганини сезган Зуфаржон бирпас танаффус эълон қиларди. Шунда биз сокин ва осойишта, ҳамма ёғи мевали ва манзарали дарахтзор, гулзорларга бурканган маҳалла кўчалари бўйлаб сайрга чиқардик. Ё бўлмаса ҳовли боғчасида шахмат тахтаси узра доналар суришиб, дам олар ва бироздан кейин яна ишга киришардик. Шу тариқа бизга топширилган асарнинг таржимаси ва таҳрири нашриёт мутасаддилари белгилаган муддатдан ҳам илгарироқ ниҳоясига етказилгани эсимда.

Очиғи, бизнинг бундай самарали ижод қилишимизда, албатта, Зуфаржоннинг оила аъзолари, рафиқаси ва фарзандларининг одамшаванда ва самимий муносабатлари, кўмаклари жуда қўл келган. Унинг хонадонида ҳам ижодий муҳит барқарор эди.

Ўша кунлар давомида Зуфаржоннинг оила аъзолари билан аҳиллиги, фарзандлар тарбияси, таълим олиши, билим орттириб, касб-ҳунар эгаллашига эътиборлилиги ҳақида янада кўп нарсаларни билиб олдим. Хотирлайверсам, қалби орзу-ҳавасга тўла, аммо уларнинг айримларига ета олмаган дўстимнинг таърифига лойиқ ибратли хислатлар жуда кўп.

Бугун у орамизда эмас. Бироқ порлоқ хотираси уни билган барча дўсту биродарлари, оила аъзолари, қариндош-уруғлари қалбида шамчироқ мисол ёниб турипти.

**Тўрабек ИСКАНДАРОВ,**
**журналист, таржимон**

**Инсон неча ёшда бўлмасин, уни болам деб тургувчиси — онасидир.**

# ОНАЛИК МАРТАБАСИ



Оналар — ҳаёт бардавомлиги тимсоли. Улар борки, мунислик, мўътабарлик, буюклик сифатлари наслдан наслга кўчиб бораверади.

*Аёл — она тимсоли,*
*Аёл — ёрнинг висоли.*
*Аёл — алланоласи,*
*Аёл — аёл боласи...*

Она дейилса, ҳар биримизнинг хаёлимизда кечалари бешикни қучиб тонг оттирган, чақалоғи йиғласа овутган, хафа бўлса юпатган самимий қиёфа гавдаланади. Оналик мақоми сабаб дунёда миллионлаб юраклар уриб турибди. Уларнинг қай бири шифокор, қай бири ўқитувчи, ёзувчи — барибир она, энг аввало, меҳр-муҳаббат сарчашмаси. У муқаддас ва буюк. Балки буюклик мақоми унга бир қадар лойиқ туюлмас. Аммо буюкларни оламга келтирувчи улуғ зот ҳам Онадир.

Оналик мартабаси шу қадар баландки, зеро, жаннат оналар пойидадир.

**Шаҳноза АБДУАЗИМОВА,**
**ўқувчи**

Жаҳон матбуоти тарихидан

# Биз билган ва билмаган Пулитцер

**Матбуот ривожи, унинг жамият ҳаётига таъсири ва куч-қудрати ҳақида гап кетганда, буни кўпинча жаҳон журналистикаси тарихида ёрқин из қолдирган айрим шахслар номи билан боғлашади. Америкада матбуотнинг отаси сифатида эътироф этилган Жозеф Пулитцер ҳам ана шундай дарғалар сирасига киради. Унинг журналистика оламига "ташрифи" мутлақо тасодиф туфайли рўй берган. У 1847 йилнинг 10 апрелида Венгриянинг Мако номли кичик шаҳарчасида ўзига тўқ оилада дунёга келган. Кенжа фарзанд Жозеф оиласининг меросхўри эди. Аммо у оилавий касбини давом эттиришдан бош тортиб, ўн етти ёшида ҳарбий бўлиш орзусида хонадонни тарк этган.**

Соғлигининг заифлиги ва кўриш қувватининг пастлиги унинг бу соҳага киришига халақит берарди. Айнан шу туфайли у француз, инглиз армияларига қабул қилинмайди. Фақат уни кўнгилли сифатида Америка армиясига олишади. Бироқ Жозефнинг хурсандчилиги узоққа чўзилмади, тез орада унинг армия ҳақидаги тасаввурлари хомхаёл экани маълум бўлади. Камига уруш ҳам кўпга чўзилмагани боис уни армиядан бир чақасиз кўчага ҳайдашади. Ўн саккиз ёшли, чўнтагида ҳемири йўқ Жозеф энди орзуларни унутиб, қорин тўйдириш ҳақида ўйлашга мажбур эди. У немис ва француз тилларида бемалол сўзлаша олса-да, инглиз тилини билмаганидан Америкада бирор даромадлироқ иш топишига ҳам ишонмасди. Шунинг учун у дуч келган қора ишни — официантликми, подачиликми, ҳатто ундан ҳам оғирроқ ишларни бажаришга мажбур бўларди. Бўш вақт топса, уни шаҳар кутубхонасида инглиз тилини ўрганишга бағишларди.

Голливуд фильмларида, одатда, омади юришмаган бош қаҳрамон ҳаётида бирдан кутилмаган ҳодиса содир бўлади-ю, ниҳоят тақдир унга кулиб боқади. Пулитцер мунтазам қатнайдиган кутубхонада шундай ҳодиса рўй берди. Бир куни доимгидай узоқ мутолаадан сўнг зиё масканининг шахмат хонасига кирган бўлажак журналист эътиборини шахмат ўйнаётган икки киши тортади. У ўйинни кузатиб туриб, иттифоқо, қизиқиб кетганидан ўйинчиларга қандай қилиб маслаҳат берганини ўзи ҳам билмай қолади. Жозеф йўл кўрсатган ўйинчи эса «Westliche Post» номли йирик маҳаллий газетанинг муҳаррири эди. Биргина жўяли маслаҳати туфайли ўйин якунида муҳаррир уни таҳририятга ишга таклиф этади. Шу тариқа шаҳар кутубхонаси Пулитцер учун журналистикага очилган имконият эшиги бўлди.

Ёш Пулитцердаги қатъият, шижоат, қизиқувчанлик унинг тезда лавозим пиллапояларидан юқорилашига ёрдам берди. Йигирма беш ёшида у газетанинг фаол ҳамкорига айланди. 1878 йилда эса «St.Lous Post-Dispatch» газетаси таҳририятини сотиб олди. 35 ёшга кирганида тинимсиз меҳнат ўз натижасини берди. Бир муддат вақт ўтиб, кўриш қобилияти заифлиги учун Пулитцер даволаниш мақсадида хотини билан Европага отланди. Жозеф пароходи манзилга етиш учун Нью-Йоркка келади-ю, аммо даволаниш ўрнига иқтисодий инқироз ёқасида турган «The New York World» нашрини сотиб олади ва яна енг шимариб ишга киришади.

«Ҳар қандай жиноят сир сақлашнинг оқибатидир, — дейди муҳаррир Пулитцер. — Шу сирни фош қилинг! Матбуотда баён этиб, ҳаммага билдириб, устидан кулинг! Эртами-кечми жамоатчилик фикри ўзининг тозаловчилик вазифасини бажаради». Мана шу ақида билан у газета саҳифаларини тўлдирар, газетанинг адади эса кундан-кунга ўсиб борарди.

Пулитцер ўз даври журналистикаси учун янги ҳисобланган усулларни ишлаб чиқар ва уларни ҳаётга татбиқ қиларди. Тез орада диққаттортар сарлавҳалар, ёрқин ранглар, биринчи саҳифадан жой олган сиёсатга оид шов-шувли мақолалар газета тиражи ҳамда мавқеини оширишга хизмат қилди. Бундай материалларни тайёрлашнинг ўзи бўлмасди, албатта. Пулитцер ўз газетасида порахўрликлар, фирибгарликлар ҳақида, ўлимга ҳукм этилганлардан жазо ижро этилиши олдидан олинган интервьюларни чоп этарди. Бу йўлда Пулитцер ўз ходимларидан жонбозликни талаб қилар, натижада руҳий касаллар даволанадиган муассасадаги фирибгарликларни фош этиш учун мухбир ўзини ақлдан озганга солар, эртаси куни эса руҳий касаллар шифохонасидаги қора ишлар ҳақида газета саҳифаларида бонг уриларди.

Газетада чоп этилаётган ҳар қандай материал Пулитцернинг «аниқ, қисқа ва лўнда» деган «чиғириғидан» ўтарди. Айнан мана шу ақида ҳали-ҳамон Америка журналистикасининг «олтин қоида»си саналади.

Пулитцер газета фаолиятини яхшилаш илинжида тинимсиз изланар, газетаси саҳифаларини фақат долзарб мавзулар билан тўлдиришга жон-жаҳди билан тиришарди. Деярли ҳеч бир оламшумул ҳодиса-ю можаролар унинг назаридан четда қолмасди. Ж.Пулитцерда бундай жонкуярлик бўлмаганида бугун АҚШ нинг рамзига айланган "Озодлик ҳайкали" бу мамлакатда қад ростламасди. Гап шундаки, ўша пайтларда Францияда ҳайкал лойиҳаси тайёр бўлган эса-да, маҳаллий ҳокимият унинг келтирилиши ва ўрнатилиши учун маблағ ажратгиси йўқ эди. Шунда Пулитцер бу ҳақда ўз газетасида туркум чиқишлар қилди. Унинг такрор-такрор баъзан куюниб, баъзан аччиқ кесатиқ ва пичингларга тўла мақолалари натижасида ниҳоят ҳайкал учун маблағ ажратилади.




Пулитцернинг муваффақияти рақобатчиларига тинчлик бермасди, албатта, унинг ўша давр журналистикаси учун янгилик ҳисобланган методлари натижасида таҳририятларининг гуллаб-яшнаши бошқа муҳаррирларнинг ғашини келтирар ва Жозефни енгишнинг турли (баъзан қора) йўлларини ўйлаб топишар, шу билан уни тўхтатишга уринишарди. Унинг асосий рақиби «The Sun» таҳририяти эгаси Чарльз Андерсон Дан бўлиб, у доим «Пулитцер ўз дини ва халқидан тонган яҳудий» деб таъкидларди. Дан бу билан чекланмай шу тахлитдаги гаплар тарқатиб, мамлакатдаги қавмларни унга қарши гиж-гижларди. Мақсади — Пулитцернинг газеталарини бой-бадавлат яҳудийлар сотиб олмаслигига эришиш, шу йўл билан Пулитцер газеталарининг тиражини пасайтириш эди. Бундай ғаламисликлар баъзан иш берарди. Натижада Нью-Йоркда яшовчилар унинг газеталарини олмай қўйишарди. Бу каби муттасил рақобатлар Пулитцернинг шундоқ ҳам заифлашган соғлигини янада ёмонлаштиради. Натижада 43 ёшида Пулитцер «The New York World» таҳририятини тарк этади.

Гарчи у таҳририятни тарк этган бўлса-да, соҳадан бир зум бўлса-да, узоқлашмади. Таҳририят ишларини ўз яхтасида туриб бошқарар, 1896 йилдан 1898 йилгача унинг тижоратдаги асосий рақиби «The Journal»нинг эгаси Рендильф Хёрст бўлиб, бу нашр шов-шув учун ўйлаб топилган янгиликларни ёзишдан тап тортмасди. Пулитцернинг ўзи ҳам шов-шувли хабарларни чоп этишдан қочмасди.

Пулитцер 1911 йилда ўз яхтасида вафот этди. "Бизнинг мамлакатимиз ва матбуотимиз бирга ривожланади ёки бирга қулайди. Қудратли, холис, жамият манфаатларини кўзловчи, нима тўғри, нима нотўғрилигини аниқ биладиган, ҳақиқат йўлидан боришдан қўрқмайдиган матбуотгина жамият қадр-қимматини сақлай олади. Ёлғончи, манфаатпараст, сафсатабоз матбуот эса ўзига ўхшаган имкониятлари чекланган жамиятни яратади", — деган эди Ж.Пулитцер. Бундай хулосага келишига эса унинг йиллар давомида орттирган тажрибаси, йўл қўйган хатолари сабоқ бўлган, албатта.

**Моҳира ОТАБОЕВА**
**тайёрлади.**

**Дараклар**

### ОЙДА СУВ БОР



**НАСА экспертлари сайёрамизнинг ягона табиий йўлдоши ҳисобланган Ойда сув мавжудлигини таъкидлашмоқда. Гарчанд бу сув манбаи ҳали аниқ маълум бўлмасада, у табиий йўлдошнинг замини қаъридан чиқаётгани бор гап.**

«Chandrayaan-1» тадқиқот қурилмаси юборган тупроқ таҳлилларига кўра, Ойда «магматик сув» (вулқон отилишидан ҳосил бўлган чўғнинг совиши жараёнида ажралиб чиққан сув)нинг борлиги исботланганини айтиб ўтиш жоиз. Америкалик астронавтларнинг илк ва сўнгги марта Ойга сафари пайтида унинг юзасидан келтирилган тошлар намуналари ҳам олимларнинг ушбу фаразини тасдиқламоқда.

### АФҒОНИСТОНДА ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНМОҚДА

**Афғонистонда 2014 йилда мамлакат президентлигига сайловларда қатнашиши кўзда тутилаётган номзодларни расман рўйхатга олиш бошланди.**



Мамлакат қонунчилигига мувофиқ, президентликка номзодини қўяётган ҳар бир шахс сайловда ўзини қўллаб-қувватлайдиган 100 минг нафар фуқаронинг розилик карточкасини тақдим этиши керак. Бундан ташқари, барча номзодлар гаров сифатида 1 миллион афғоний (17,5 минг АҚШ доллари) тўлаши ҳамда уларнинг ёши қирқдан ошган бўлиши керак. Афғонистонда бўлиб ўтадиган сайловлар харажати 120 миллион доллар миқдорида баҳоланиб, бу маблағ АҚШ, Европа Иттифоқи ва Туркия томонидан тақдим этилади.

Навбатдаги президент сайлови 2001 йилда толибонлар режими ағдарилгандан кейинги учинчи сайлов ҳисобланади. Амалдаги президент Ҳамид Карзай икки марта — 2004 ва 2009 йилларда ўтказилган президентлик сайловларида ғолиб чиққан.

### БАЛИҚЛАР ИРСИЯТИНИ ЎЗГАРТИРАЁТГАН КИМЁВИЙ ҚУРОЛЛАР

**Иккинчи жаҳон урушидан кейин Болтиқ денгизига чўктирилган заҳарли кимёвий дорилар балиқларнинг касалланишига ва ирсий ўзгаришига сабаб бўлмоқда.**



Иккинчи жаҳон урушидан кейин Болтиқ денгизининг Готланд ва Борнхольм ороллари атрофига 50 минг тоннага яқин ўта заҳарли иприт моддаси чўктириб юборилган эди. Жорий йилнинг ёзида кимёвий қуролларнинг излари Гданск қўлтиғида ҳам топилди.

Польша Фанлар академияси океаншунослик институтининг ходими Яцек Белдовскийнинг айтишича, айниқса, Готланд чуқурлигига чўктирилган 8 минг тоннага яқин кимёвий бомба ва снарядлар атроф-муҳитни кўпроқ ифлослантирмоқда. Ҳозирги пайтда бу ҳудудлардан балиқ овлаш тавсия этилмайди. Заҳарли моддаларни сақлаш учун мослаштирилмаган контейнерларга солиб кўмилгани хавф-хатарни янада кучайтирмоқда.

### ДАВЛАТ ҚАРЗЛАРИ ТОБОРА ОШМОҚДА



**Жорий йилнинг ўрталарига келиб, Испаниянинг давлат қарзлари 942,8 миллиард еврога етди, бу мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 92,2 фоизини ташкил этади. Аввалги йилнинг июнь ойи билан таққосланганда, бу 15 фоиз кўп демакдир.**

Қайд этиш керакки, ҳукуматнинг давлат харажатларини қисқартириш юзасидан кўрган чора-тадбирларига қарамасдан, жорий йилда ҳам давлат қарзлари ўсишда давом этди. Мамлакат вазирлар маҳкамаси келгусида ҳам харажатларни чеклашни мўлжалламоқда. Аниқроғи, 2014 йилнинг охирига бориб, харажатлар яна 150 миллиард еврога қисқаради.

Бироқ экспертлар ишсизликнинг янада ошишини назарда тутган ҳолда мазкур режага ишончсизлик билан қарамоқда. Айни пайтда мамлакатда ишсизлик даражаси 26 фоизни ташкил этмоқда. Бинобарин, бу ҳолат нафақа тўловлари ҳажмининг ортишига олиб келади.

Мамлакат Марказий банки вакилининг таъкидлашича, кейинги уч йил мобайнида давлат қарзлари ЯИМнинг 100 фоизига етиши эҳтимоли бор. Шунга қарамасдан, ҳукумат танг аҳволда қолган мамлакат иқтисодини жонлантиришга ҳаракат қилмоқда.

**Шарҳ**

# Муроса энг тўғри йўлдир




**Сўнгги йилларда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ) нафақат аъзо давлатлар, балки иқтисодий ва сиёсий муносабатлар тизимида тобора муҳимроқ аҳамият касб этиб бораётган, эътиборли ва нуфузли халқаро тузилмага айланмоқда. Дунё жамоатчилиги ўтган ҳафта Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган ШҲТ саммити ишини диққат билан кузатаркан, ташкилотнинг ғоят қисқа давр ичида эътибори ортиб, дунёда юз бераётган воқеаларга фаол муносабати, хавфсизлик ва иқтисодий ҳамкорликни таъминлашга қаратилган қатъий сиёсий йўлига яна бир бор ишонч ҳосил қилди, дея айтиш мумкин. Дастлаб, ташкилот аъзолари сони олтитани ташкил этган бўлса, айни кунда Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Монголия каби Осиёнинг етакчи мамлакатлари ҳам кузатувчи мақомида иштирок этаётгани ва аъзоликка интилаётгани, Туркия, Беларусь ва Шри-Ланканинг эса мулоқотларда ҳамкор сифатида қатнашаётгани ҳам бу фикрни исботлаши мумкин.**

Ташкилот ўз низомида белгиланганидек, айни кунда нафақат хавфсизлик, балки ижтимоий-иқтисодий, савдо-сотиқ, транспорт коммуникацияси, сармоя ва гуманитар масалаларга жиддий эътибор қаратмоқда. Булар ташкилотнинг очиқлиги, барча манфаатдор давлатлар ва халқаро тузилмалар билан ҳамкорликка тайёр эканидан далолатдир.

Энг муҳими, ШҲТ, аввало, ўзининг асосий тамойилларидан келиб чиққан ҳолда минтақада барқарорлик ва хавфсизликни сақлашнинг ишончли кафолати сифатида майдонга чиқмоқда, дунё тез ўзгарувчан, нотинч бўлиб турган ҳозирги замонда бу ғоят муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, асосий мақсад ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда кўп томонлама самарали ҳамкорликни ташкил этиш борасида қўйилаётган ва бажарилаётган вазифалар, бунинг учун зарур шартномавий-ҳуқуқий асосни шакллантириш ва ҳар бир мамлакат учун аҳамиятли бўлган йирик лойиҳаларни амалга оширишдир. Маълумки, ШҲТ аъзо давлатларнинг тенг ҳуқуқли бирлашмаси бўлиб, унинг фаолияти бошқа мамлакатларнинг манфаатларига қарши қаратилмаган ва қарама-қаршилик қиладиган блок хусусиятига эга эмас. Бу галги саммит кун тартибидан ҳам ШҲТга аъзо давлатларни тўлқинлантираётган долзарб, айниқса, хавфсизликни таъминлаш ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ўрин олганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон ШҲТга Аъзо давлатлар ўртасида ўз позициясига эга мамлакат. Бўлиб ўтган мазкур саммитда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ўз нутқида мажлис иштирокчилари эътиборини дунё аҳлини таҳликага солиб турган Сурия ва Афғонистонда рўй бераётган воқеаларга қаратди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, хунрезликлар Сурияддан ташқарига ёйилишига йўл қўймаслик даркор. Афғонистон муаммосини ҳарбий йўл билан бартараф этиб бўлмайди, унинг сиёсий ечимини топиш, БМТ шафелигида музокаралар ўтказиш ва қарама-қарши кучларнинг мурасага келишига эришиш бу борадаги ягона тўғри йўлдир. Ўзбекистон Афғонистон билан муносабатларни фақат икки томонлама асосда йўлга қўяди.

Ўзбекистон раҳбари йирик қўшма лойиҳаларни, айниқса, транспорт-коммуникация соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ШҲТ Тараққиёт жамғармаси ва Ривожланиш банкини ташкил этиш муҳимлигини таъкидлади.

Шунингдек, Ислом Каримов Оролбўйи минтақасида мураккаб экологик вазият юзага келганини қайд этар экан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ўртасида ҳамкорлик механизмларини ишлаб чиқиш, экологик муаммоларни ҳал этишда ташкилот салоҳияти ва имкониятларидан фойдаланиш зарурлигига эътиборни қаратди.

Бундан ташқари, ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари "Шанхай жараён"ларини тезлаштириш учун ташкилот ихтиёридаги мавжуд қарорлар, декларациялар ва лойиҳаларни амалга оширишга эътиборни кучайтириш зарурлигини таъкидламоқдалар. Чунки, ҳар қандай кўп томонлама тизимлар фаолияти қабул қилинаётган қарорлар сўзсиз ва босқичма-босқич бажарилсагина кутилган самарани беради. Бу "олтин қоида" ШҲТнинг жипслиги ва уюшқоқлиги учун ўзига хос мезон бўлиб қолиши бежиз такрорланмаётир.

Миллий иқтисодиётларни янада модернизация қилиш, инвестицион ҳамкорликни ривожлантириш, транспортда ташиш, коммуникациялар, инновацион технологиялар, агросаноат соҳаларида ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарурлиги ҳам саммит кун тартиби марказида бўлди. ШҲТ маконида яшаётган халқлар манфаати йўлида яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорликни, маънавий яқинлик, маданиятлараро мулоқотни ривожлантиришга хизмат қиладиган илмий-техник ва маданий-гуманитар, туризм соҳаларидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш муҳимлиги қайд этилди.

Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси якунлари бўйича қабул қилинган Бишкек декларациясида амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид асосий ёндашувлар, кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун барча саъй-ҳаракатларни йўналтиришга қаратилган муштарак интилишлар ўз ифодасини топган.

Давлат раҳбарлари ШҲТга аъзо мамлакатларнинг узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома қоидаларини амалга ошириш бўйича 2013-2017 йилларга мўлжалланган ҳаракат режасини имзоладилар.

Тан олиш керак, Афғонистонда ҳануз давом этаётган мураккаб вазият туфайли Марказий Осиё хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид ва хатарлар сақланиб қолаётган минтақа бўлиб қолмоқда. Дарҳақиқат, у ерда 30 йилдан буён давом этаётган уруш нафақат минтақамизда, балки бутун дунёда тинчлик ва осойишталикка рахна солмоқда. Жаҳон ҳамжамияти барча чора-тадбирларни кўраётганига қарамай, таассуфки, бу ердаги вазият мураккаблигича қолмоқда.

Бугунги кунда афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ечиб бўлмаслигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ўз мамлакатининг муаммоларини афғон халқининг ўзи ҳал этиши керак. Фақат қарама-қарши томонларни муросага келтириш, бу жараёнга афғонистонликларнинг ўзини жалб қилиш, шунингдек, жаҳон ҳамжамияти ёрдами билан Афғонистонни социал-иқтисодий тиклаш орқалигина боши берк кўчадан чиқиш йўлини топиш мумкин...

Тан олиш керак: бу борада иштирокчи давлатларнинг фикри бир жойдан чиқмоқда. Шу ўринда Ўзбекистоннинг мазкур муаммодан ташқари ШҲТ фаолиятида аниқ ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка қаратилган бошқа таклифларни ҳам дадил илгари сураётганини таъкидлаш жоиз.

Дунё аҳолисининг ярмидан кўпроғи истиқомат қилаётган ташкилот доирасидаги устувор йўналишлардан бири бу, шубҳасиз, савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш масаласидир. Кузатувчиларнинг фикрича, ШҲТ доирасида иқтисодий ҳамкорликнинг кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Ташкилотнинг Ишбилармонлик кенгаши, Саноатчилар ва ишбилармонлар форуми, Банклараро бирлашма каби янги тузилмалари самарали фаолият бошлагани ҳам шундан далолатдир. ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг 9 йил муқаддам Тошкентдаги учрашувида имзоланган Декларациясида савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг истиқболлари, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг ошиши, товарлар, сармоялар, хизматлар ва технологияларнинг эркин ҳаракатланиши учун босқичма-босқич, қулай шароит яратишга қаратилган изчил саъй-ҳаракатлар мажмуи белгиланганини ҳам бугун ўз самарасини бермоқда. ШҲТ мамлакатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 50 миллиард АҚШ долларидан ошганлигининг ўзи ҳам ҳамкорлик салоҳияти ҳақида яхши тасаввур ҳосил қилишга имкон беради. Биргина Ўзбекистон товар айланмасининг 44 фоизи ташкилотга аъзо давлатлар ҳиссасига тўғри келаётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш мумкин.

ШҲТни янада муваффақиятли ривожлантириш аъзо давлатларнинг муайян амалий натижаларга эришишига, аввало, барқарор тараққиётни таъминлаш ва бутун минтақа мамлакатлари аҳолиси фаровонлигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларига боғлиқ. Шу боис Ўзбекистон ташкилот маконида миллий ва трансчегаравий аҳамиятга молик автомобиль, темир йўл ва ҳаво йўли коммуникацияларини барпо этиш ва модернизация қилиш бўйича инвестиция дастурларини амалга ошириш, шунингдек, замонавий логистика марказлари ва хаблар яратиш тарафдоридир. Бу ишларнинг амалга оширилиши ШҲТга аъзо давлатларнинг Европа Иттифоқи, Жанубий ва Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Маълумки, Марказий Осиё дунё тамаддунида ўзига хос кўприк вазифасини ўтаган. Табиийки, бунда қадимий ва бой тарихга эга бўлган ўлкамизнинг ўрни алоҳидадир. Эндиликда глобаллашув ва жаҳон ахборот цивилизациясининг шаклланиш жараёнида мазкур минтақа учун Ўзбекистоннинг боғловчилик омили янада мустаҳкамланиб бормоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, ҳамкорлик қайси соҳага тегишли бўлишидан қатъи назар, алал-оқибат миллий ё минтақавий, шу билан бирга, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий хавфсизликнинг мустаҳкамланишига олиб келади. Энг муҳими, Бишкек учрашуви барча аъзо давлатлар учун долзарб бўлган муаммолар юзасидан очиқ ва конструктив фикр алмашув натижалари ҳамда ШҲТни ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорлар ташкилотга аъзо мамлакатлар хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашга, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган навбатдаги қадам бўлди.

**Абдували САЙБНАЗАРОВ**

### ЭНГ МИТТИ АВТОМОБИЛЬ



**Америкада яратилган Phonix автомобили (айнан шу модель жорий йилда Гиннесс рекордлар китобига киритилди) ҳозирда жаҳондаги энг митти автомобиль ҳисобланади. Аммо сиз уни болажонларнинг ўйинчоқ автомобили деб ўйламанг. Зеро, бу тўлақонли енгил автомобиль бўлиб, унга ҳатто давлат рақами ҳам ўрнатилган.**

Ҳаммага тушунарлики, бундай машина давлат рақамига эгалигига қарамасдан, унда юришни бехатар деб бўлмайди. Шу боис унга катта йўлларда юришга рухсат этилмайди. Митти авто маҳаллий аҳамиятдаги кўчаларда, соатига 25 миль, яъни тезликни соатига 40 километрдан оширмасдан юра олиши мумкин. Митти автомобиль учун шу тезлик ҳам кифоя қилади.

Автомобилнинг ўлчамларига келсак, унинг баландлиги 63,5 сантиметрни, эни 65,3 сантиметрни ва узунлиги 1 метру 26 сантиметрни ташкил этади. Ўлчамидан ҳам кўриниб турибдики, бундай машинада юриш у қадар қулай эмас, албатта. Шунга қарамасдан, мўъжаз автомобиль ижодкори Остин Коулсон, кашфиётининг ўзига яраша афзалликлари борлигини таъкидламоқда. Дейлик, миттивойни қўйиш учун алоҳида жой қидириб овора бўлмайсиз. Уни кўча дарвозаси олдига ёки йўлакка бемалол қўйиб кетавериш мумкин.

### ФАНГА НОМАЪЛУМ ДЕНГИЗ ЖОНЗОТЛАРИ ТОПИЛДИ



**Приморье ва германиялик олимларнинг биргаликда олиб борган тадқиқотлари натижасида Япон денгизи ва Курил оролларига туташ сувларда денгиз жонзотларининг ҳали фанга номаълум бўлган икки юздан зиёд тури аниқланди.**

Олти километргача бўлган сув тубидан топилган 621 дан ортиқ денгиз организмлари аввалдан маълум бўлган турлардан олти баравардан зиёдни ташкил этади. Айни пайтда олимлар мазкур жонзотларни синчиклаб ўрганишмоқда.

Мутахассислар бу денгиз организмлари энг янги турдаги дори-дармонларни ишлаб чиқишда яхшигина хомашё вазифасини ўташи мумкин, дея таъкидлашмоқда. Зеро, бугунги кунда дунё бўйича 60 фоиз дориларни тайёрлашда табиий компонентлардан фойдаланилса, улардан 1,5 фоизидагина ўта чуқурликларда яшовчи денгиз организмлари ишлатилади, холос. Янги бактерияларнинг кашф этилиши эндиликда бу нисбатни бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин.

Олимларнинг чуқур сувларда ҳаёт кечирувчи жонзотларга қизиқиши йилдан йилга ортиб бораётганининг сабаби шундаки, жаҳон океанининг бир километрдан чуқур бўлган 95 фоиз майдонида ниҳоятда улкан биоресурслар манбаи мавжуд. Улар қуруқликдаги ресурслар камайиб қоладиган келажак замонларда бутун инсоният тамаддуни учун энг ноёб стратегик захирага айланиши мумкин, дейишмоқда тадқиқотчилар.

**Интернет хабарлари асосида А.АЗИМОВ тайёрлади.**

## Тил билганга йўл очиқ

**Буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий томонидан бундан қарийб бир аср муқаддам айтилган «Икки эмас, тўрт тил керак» деган даъват ҳали-ҳануз ўз қадр-қимматини йўқотган эмас. Глобализм даврида ҳар бир киши учун тил ўрганишнинг аҳамияти кундан-кунга ошиб бораётир. Зотан, ана шу мезон мамлакатлараро ижтимоий-иқтисодий интеграцияга омил бўлибгина қолмай, балки барча миллат ва элатларни бир-бирига янада яқинлаштиради. Илм-фан, техника-технологиялар, маданият ҳамда адабиёт йўналишидаги ахборотлар ва янгиликларни ўзаро айирбошлашга замин яратади.**

# «Икки эмас, тўрт тил керак»



Давлатимиз раҳбари томонидан 2012 йил, 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада кенг уфқларни очди. Хусусан, қарорда "Телевидение, шу жумладан, маҳаллий телеканаллар орқали болалар ва ўсмирларни хорижий тилларга ўргатиш бўйича кўрсатувлар тайёрлаш ҳамда уларни трансляция қилиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданияти, жаҳон илми ва техникасига бағишланган илмий-оммабоп хорижий бадиий ҳамда мультипликациявий фильмларни ўзбек тилидаги субтитр ёрдамида мунтазам кўрсатиб боришни амалга ошириш" кўзда тутилади. Дарҳақиқат, томошабин ҳам кўриш, ҳам эшитиш имкониятига эга бўлгани боис тил ўрганишда ойнаи жаҳоннинг имкониятлари катта.

Шуни назарда тутган ҳолда, ўтган давр мобайнида бу йўналишда қатор ишлар амалга оширилди. Масалан, "Ёшлар" телерадиоканалида "Эртакчи болажонлар", "Катта танаффус", "Менинг инглизча луғатим", "Қувноқ тест", "Инглиз тили ёшлар учун", "Болажон" рақамли телеканалида эса "Инглиз тили сабоқлари", "Чин дўстлар", "Алифбо юлдузлари" каби кўрсатувлар ўғил-қизларимизнинг чет тилларни тезроқ ўзлаштиришига имкон бераётир. Бундан ташқари, янги ташкил этилган "Маданият ва маърифат" ҳамда "Дунё бўйлаб" телеканалларида ҳам бундай дастурлар талай. "Инглиз тилида гаплашамиз", "Миллий таълим", "Children and nature"("Болалар ва табиат"), "English for you", ("Инглиз тили сиз учун") каби кўрсатувлар ана шулар жумласига киради.

Энг муҳими, телевидение сабоқлари болаларга тинглаб (listening), сўзни тўғри талаффуз (speaking) қилишлари учун жуда қулай. Бир сўз билан айтганда, ўқувчи ёшлар "Hello", "What is your name?" ва бошқа кундалик мулоқотда қўлланадиган ибораларни қанчалик кўп эшитиб, шунга қулоғи ўрганса, унда чет тилларни ўзлаштириш иштиёқи янада кучаяди. Шубҳасиз, ёшларимиз маълум бир хорижий тилни ўрганиш асносида ўша халқнинг ўзига хос урф-одатлари, маданиятига кўр-кўрона тақлид қилишлари ҳам тўғри эмас. Зотан, Юртбошимиз қароридан кўзланган асосий мақсад ҳам асрлар оша яшаб келаётган маданий, тарихий ва адабий меросимизни чет тилини мукаммал биладиган ёшлар орқали бутун дунёга янада кенгроқ тарғиб этишдан иборат.

Мақолани маърифатпарвар боболаримизнинг даъвати билан бошлаган эдик. Хулоса ўрнида ҳам буюк аждодларимиз фикрларига мурожаат қиламиз: "Уйғонмоқ дунё билан ҳамнафас яшамоқдир". Гарчи уйғонганимиз ва дунё билан ҳамнафас яшай бошлаганимиздан буён йигирма икки йилдан ортиқроқ фурсат ўтган бўлса-да, бизнинг дунёдан, дунёнинг эса биздан ўрганадиган жиҳатлари анчагина. Давлатимиз раҳбарининг юқорида зикр этилган қарори дунё ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий-маънавий, ижтимоий-сиёсий алоқаларни янги поғоналарга олиб чиқишига ишончимиз комил. Зеро, ўзлигини унутмай дунё билан тиллаша оладиган халқ, миллат ҳамиша қудратлидир.

**Ҳ. САЛОМОВ**

## Муносабат

# Енгил ёзилган асар оғир ўқилади...

**Автобус салонидаги карнайдан таралаётган ажойиб қўшиқни тинглаб бораётган эдик. Орқа ўриндиқлардан бирида ўтирган йигит: "Эй, шопир ака, одамни қаритиб юбордингиз-ку! Ёшларбопини ҳам қўйинг энди..." Зум ўтмай бояги йигит ҳайдовчи ёнида пайдо бўлди-да: "Мана буни қўйинг-а" деб ҳайдовчига бир дискни узатди. Шофёр ҳам унинг сазасини ўлдиргиси келмади шекилли, дискни эшиттиргичга улади.**

Бояги мақом сеҳридан таъсирланган қалблар зулмат жойга киргандек бўлди-қўйди. Мазмунсиз, пойинтар-сойинтар сўзлардан иборат қўшиқларни эшитаверсанг, албатта, савиянг ҳам тушиб кетади. Худо кўрсатмасин, бундай саёз, бачкана шеърлар болалаб кетса, нима бўлади?! Санъат инсонга йўлдош эмас, балки душманга айланади-қўяди.

Қаламга олганимиз бор-йўғи бир автобусдаги воқеа. "Тайинсиз қўшиқларнинг умри йўқ", деймиз-у, аммо унинг зарари одамларни, айниқса, бугунги ёшларни дидсизга айлантириб қўйди-ёв. Афсус... Яқинда «Hurriyat» газетасида босилган (2013 йил, 5 июнь) "Саводсиз қаламкаш ва нўноқ ношир ҳақида бор гаплар" мақоласини ўқий туриб, юқоридаги нохуш воқеа ёдимга тушди. Бугун айрим китоблар чиндан ҳам маъно жиҳатидан ўта саёзлиги, фақат сирти ялтироқлиги билан ўқувчиларнинг ҳафсаласини пир қилаётган бўлса, бунинг зарари ҳам юқоридаги қўшиқ каби жиддий ташвиш уйғотади. «Hurriyat»да тўғри таъкидланганидек, Мустақиллик китоб чоп этишда ҳам катта эркинлик ва чексиз имкониятлар берди. Илгари қаламкашлар ўзлари ишлаётган газета, журнал, радио, телевидение ёки нашриётларда ўз бурчларини ҳалоллик билан бажариш йўлида заҳматли меҳнат билан машғул эдилар, холос. Аммо уларга рағбат кам эди. Ҳатто бадиий асар даражасига етиб қолган яхшигина очерк, публицистик мақолаларини тўплам қилиб чоп этиш орзуси юрагининг туб-тубида армонлигича қолиб кетганлар қанча эди! Мана энди нашриётлар кўпайди, китоб чиқариш муаммо бўлмай қолди. Лекин...

Ҳамма гап мана шу "лекин"-да. Китоб чиқаришдан мақсад нима ўзи? Баракалла, у мутолаа учун битилади, уни ўқиганларнинг маънавий эҳтиёжини қондириш мақсадида ёзилади. Айни пайтда бугунги китобхоннинг диди ҳам баланд, дунёқараши кенг. Унга унча-мунча нарсани ёқтириш мушкул. Шуларни мушоҳада қиларканман, хоразмлик журналист Барди Жуманиёзовнинг куюнчаклик билан ёзган фикрларига тўла қўшилдим. Бошқа жойларда ҳам юқорида тилга олинган мақолада кузатилган ҳолатлар, афсуски, учраб турибди. Кўп китоб чиқаришга берилиб кетиб, бадиий саёз, ҳеч кимга ҳеч нима бера олмайдиган "асарлар" ёзишнинг зарарини унутмаслик лозим. Ҳамкасбимизнинг кичик бир рисолага эътиборсиз қарамагани, уни аччиқ бўлса-да, ҳаққоний танқид қилишга журъат қилгани учун ички бир миннатдорликни кўнглимдан ўтказдим.

Вилоят нашриётларидан бирида муҳаррир билан муаллиф ўртасида бўлиб ўтган суҳбатга тасодифан гувоҳ бўлиб қолгандим. Гап тақдим этилган она қишлоқ тарихи ҳақидаги кичик бир рисоланинг хомлиги, мантиқий изчилликнинг йўқлиги, воқеаларнинг узуқ-юлуқлиги, давр ва одамлар, тақдирлар маҳорат билан очиб берилмагани ҳақида борарди. Чиндан ҳам заррада қуёш акс этганидек, ўша рисолада китобхонга ўша қишлоқ мисолида Ватаннинг бир бўлагини ҳис этишларига кўмаклашиш, қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғлаш, авлодлар хотирасини сўз сеҳри билан ёркин бўёқларда чизиб бериш замон талабидир. Бир қишлоқ аҳолисининг Истиқлолга етиб келиш бахтини ишонч ва бадиий маҳорат билан кўрсатиш публицистиканинг, умуман, адабиётнинг вазифаси эканини Юртбошимиз кўп марта таъкидлаган.

Мен хонага бевақт кириб қолганимдан хижолат чекдим. Эндигина ўрнимдан қўзғалган эдимки, муаллифнинг қовоқтумшуғини осилтирганича: "Шу пайтгача саккизта китоб чиқардим, ахир..." дегани қайта жойимга ўтқизди-қўйди. Воажаб! Бу нима? Энди менга китоб ёзиш талабларини ўргатманг, ҳаммасини биламан демоқчими? Семизликни қўй кўтаради. Камтаринлик ва ўз-ўзини тергай билиш, хатолардан сабоқ чиқариш ҳам бир мардлик. Масалан, буюк рус ёзувчиси Лев Толстой шундай ёзган экан: "Мен ишлаётганимда ярмим ёзувчи бўлиб асар ёзса, ярмим танқидчи бўлиб, бу асарнинг қандай чиқаётганини айтиб туради. Кечаси ишламайман. Чунки тунда ичимдаги "танқидчи" ухлаб қолади". Ижодкорликни енгил-елпи кўринишда ҳис этадиган муаллифлар учун бу чинакам тарбия мактаби бўлиши лозим.

"Алвидо, қурол" романи, "Чол ва денгиз" қиссаси ҳамда бошқа ажойиб асарлари билан жаҳон мумтоз адабиётида ўчмас из қолдирган Эрнест Хемингуэй ҳам ниҳоятда ўзига талабчан бўлган экан. У ўз мухлисларининг нигоҳини кўз олдига келтириб ёзишга одатланган, дейишади. Қаранг-а, "Ёзаётганларим ўқишга арзийдими ўзи?" деган саволни шундай улкан адиблар доимо ёдида тутишган. Айтишларича, унга Нобель мукофотини тақдим этганларида "Мукофотлар ёзувчини айнитади, шуҳратбозликка сабаб бўлади", деб анчагача рад этиб юрган. Ниҳоят қистовлардан сўнг ёрдамчисини мукофотни олишга юборган экан.

Американинг машҳур ёзувчиси Жек Лондон ҳам ижод қилишда ўзига ниҳоятда шафқатсиз бўлган дейишади. Бу хусусият муҳтожликда кун кўрган матонатли адибни юксакликка кўтарган. Ирвинг Стоуннинг адиб ҳақидаги эсдаликларида қайд этилишича, "...у қалбидан чиқариб қалам тебратган, ўз ишига бўладиган ишонч улкан тоғларни жойидан қўзғата олишига ҳамма вақт ишонган..." Инжиқлик ва қатъиятлилик туфайли ўз китобхонлари қалбини забт этган бўлса, не ажаб!

Машҳур ёзувчи Мирзакалон Исмоилийнинг болалиги бизнинг Булоқбоши қишлоғимизда ўтган. Бир сафар отам раҳматли адибни ҳовлимизга таклиф этиб, бир кеча суҳбатда бўлган. "Фарғона тонг отгунча", "Одамийлик қиссаси" каби инсон руҳиятини мукаммал очиб берган асарларию Лев Толстойдек улуғ ёзувчининг 200 дан ортиқ асарини ўзбек тилига маҳорат билан ўгирган бу инсоннинг ҳам ижод қилиш борасида ўз фикри бўлган: "Қаламкаш иш столида ўн соатлаб ўтира олсагина, дунё ҳавасларидан баландроқ турсагина, дуруст ёза олади..."

Одамлар қалбини ҳаяжонга соладиган гапни айтиш учун у қийналиб ёзиши кераклиги юқоридаги устоз адиблар ижодий лабораториясининг асосий талаби бўлган. Нашриётдаги одатдаги иш кунларимизнинг бирида қайсидир муаллифнинг папкасини қайтариб беришимизга тўғри келди.

— Сиз менга катта ёзувчиларга қўйиладиган талабни қўйманг-да.

Нашриётлар кўп, сизларга ёқмаса бошқасида чиқараман. Ҳомийлик маблағини ҳам топиб қўйгандим...

Ана, холос! Ижодкор учун катта ё кичик деган даражанинг бўлиши мумкинми? Унда китобхонларни ҳам дидли ва дидсизга тақсимлаб, кейин ёзиш керак экан-да? Бу муаллифларни безайдими? Маблағ, қоғоз ва кўз нури сарфланган иш китобхон онгу маданиятининг ўсишига хизмат қилиши, жамиятнинг маънавий-маърифий эҳтиёжини ҳар томонлама қондиришга хизмат қилиши лозим. Китоб чиқаришга пулим бор. Ўнта китоб чиқариб қўйдим, яна икки-учта чиқараман, деган ҳовлиқма чиранишлар худди бемаъни қўшиқлар каби асабга тегади, холос. Унутманг, ҳурматли "ижодкор", енгил ёзилган нарса қийин ўқилади. Оз ёзинг, лекин соз ёзинг! Уни ўқиган "баракалла", десин!

**Маҳмуд ИБОЕВ,**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси**

## Билмаганни билган яхши

***Автоҳалокат оқибатида етказилган зарарни тўлаш юзасидан жавобгарга суд томонидан жарима белгиланган эди. Орадан бир ой ўтди. Аммо у зарарни тўламаяпти. Бундай ҳолатда суд ижрочиси қандай ишни амалга ошириши лозим?***

**Н.ҚАҲҲОРОВА,**
*Тошкент шаҳри*

Ўзбекистон Республикаси "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг 21-моддасига биноан агар ҳукм қилинган шахс жазо тариқасида тайинланган жаримани белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа ёки қарздорда ундириладиган мол-мулк мавжуд бўлмаса, шунингдек, кечиктириш муддати тугаганидан кейин жарима тўламаган ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш талаби бузилганда суд ижрочиси жарима тариқасидаги жазони жазолашнинг бошқа турига алмаштириш тўғрисидаги тақдимнома билан 12 кун ичида судга мурожаат қилиши белгиланган.

**Шарофиддин САРИМОВ,**
**Чилонзор тумани 8-сонли ДНИ нотариуси**

***Кўп қаватли уйда яшаймиз. Яқинда юқори қаватдаги хонадоннинг сув қувури ёрилиб, уйимга сув тошиб кетди. Бунинг зарарини бартараф этиш учун анча миқдорда харажатга тушдим. Бу зарарни кимдан ва қай тарзда ундириб олишим мумкин?***

**Г.ҚУРБОНОВА,**
*Бектемир тумани*

Аввало, қўшнингиз билан бу масалани яхшиликча ҳал этишга ҳаракат қилинг. Агарда қўшнингиз етказилган зарарни қоплашни хоҳламаса, уй-жой мулкдорлари ширкати ходимлари, уйбоши ва қўшнилар иштирокида далолатнома тузилади. Унда воқеа содир бўлган сана, қайси қурилма бузилгани ҳамда у кимнинг тасарруфида экани, сув тошишининг сабаблари кўрсатилади.

Уй-жой мулкдорлари ширкати ходимлари таъмирлашга кетадиган ёки сарф қилинган харажатлар сметасини тузиб, пул миқдорини кўрсатишлари керак. Шундан кейин яшаш жойингиздаги фуқаролик ишлари бўйича судга даъво ариза билан мурожаат қиласиз.

Қўшнингиз бу ишни қасддан қилмаган бўлса, суд унинг мулкий ҳолатини инобатга олиши ва ундириладиган пул миқдорини камайтириши мумкин.

**Шерзод ЮНУСОВ,**
**Мирзо Улуғбек тумани 10-сонли ДНИ нотариуси**

***Меҳнат муносабатларига оид қонун ҳужжатларида "Ходимлар томонидан давлат ва жамият манфаатларини бажариш вақтида" деган жумла ишлатилади. Бундай ишлар сирасига нималар киради?***

**У. РАИМОВ,**
*Тошкент шаҳри*

Вазирлар Маҳкамасининг 133-рақам билан тасдиқланган "Ходимларнинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажаришлари, шунингдек, уларнинг жамият манфаатларига доир ҳаракатларини амалга оширишлари билан боғлиқ кафолатли тўловларни бериш тартиби"нинг 1-бандида шундай белгиланган: "Ходимлар томонидан давлат ёки жамият манфаатларига доир бажариладиган вазифалар қаторига сайлов ҳуқуқини амалга ошириш, депутатлик ва сенаторлик вазифаларини бажариш, тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси ишида иштирок этиш, ҳарбий бурчни бажариш, шунингдек, суриштирув органларига, терговчи, прокурор ҳузурига, судга гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, мутахассис, таржимон, холислар тариқасида бориш, халқ маслаҳатчилари, жамоат айбловчилари, жамоат ҳимоячилари, жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоалари вакиллари сифатида суд мажлисларида иштирок этиш, қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда иштирок этиш ҳолатлари киради.

Шу тартибнинг 2-бандига кўра ходимлар томонидан жамият манфаатлари йўлида қилинадиган ҳаракатлар рўйхати белгиланган. Бу рўйхатга авариялар, табиий офатларнинг оқибатларини тугатиш, инсон ҳаётини сақлаб қолиш, зарур бўлганда беморларга қуйиш учун қон топшириш ва бошқа ҳолатлар кириши белгиланган.

**Мадина ҚУРБОНОВА,**
**Учтепа туманидаги 9-сонли ДНИ нотариуси**

## Руҳият

# НЕГА?

**Қишнинг сўнгги кунлари эди. Рафиқам шамоллагани боис оёққа туриши бироз чўзилди. У касалланиб ётган кунларнинг бирида хизматга отланиб, кўчага чиқсам, рўпарадаги қўшнимизнинг дарвозаси ёнида ёши каттароқ бир аёл қўлида сут идиши билан турган экан. "Бизга ҳам сут керак эди. Қўнғироқни боссангиз, аёлим чиқади", деб уйимизни кўрсатдим-да, йўлга тушдим... Орадан кунлар ўтиб, эрталаб яқин қариндошим омонатини топширганини эшитиб, Шўробозор томонга жанозага отланиб турган эдик, дарвоза қўнғироғи жиринглаб қолди. Чиқдим. Ўша таниш аёл қўлида икки литрлик шиша идишларда оқлик: "Сут оласизми?" деди. Бир литр сут олдик.**

Қабристондан кечга яқин қайтиб келдим-у, ёнбошлаганча ухлаб қолибман: чала-ярим уйқу аралаш қариндошимизни охирги йўлга кузатиш учун жанозага йиғилган тумонат одамларга қарата масжид имомининг ўлим тўғрисида айтган сўзлари таъсирида кечган умримнинг паст-баландини ўзимча сарҳисоб қилаётган эдим. Бехосдан аёлим "олган сутингиз ачиган экан", деб қолди норози оҳангда. Хаёлларим тумандек тарқаб кетди. Бирдан сут солинган идишларни кўтарганча илдамлаб кетаётган аёлнинг муомала чоғидаги қиёфаси кўз олдимга келди. "Наҳотки бошқаларга ўтказа олмаган ачиган сутни менга пуллаб кетган бўлса?" Асабим бузилиб, бошимга оғриқ кирди. Хотинимнинг бироз ҳовурдан тушиб: "Арзимаган нарсага ўзингизни ҳам, мениям қийнаманг", деган сўзлари диққатимни баттар оширди. Бир нарса деб юборишдан қўрқиб, базўр ўзимни босдим. Аммо жавобсиз саволлар гирдобида юрагим безовта: "Нега айрим одамлар ёлғон гапириб ишини битиришни ўзларига эп кўришади? Нега шундай? Ўзим-чи, ўзим ёлғон ишлатмайманми?" Гуноҳларнинг энг каттаси каззоблик эканини била туриб, нега ёлғонларга кўмилиб яшаймиз? Жанозаси ўқилаётган майитнинг ҳоли-ҳаётидаги ҳалол-ҳаром турмуш тарзини ич-ичимиздан ҳис қилиб турсак ҳам "Фалончи қандай одам эди?" деган хитобга жавобан "Яхши одам эди", дея ёлғон гувоҳлик берамиз. Нима бу? Муроса-ю, мадорами ёки ўтганларнинг номаъқулчилиги аъмолини сарҳисоб қилишни Яратганнинг ҳукмига ҳавола қилиб, марҳумнинг яқинларига ҳамдардлик билдиришми? Ҳе... аттанг, ёлғончи дунё дегани шуми ё?!

Касалликни яширсанг, иситмаси ошкор этади, деганларидек, дарднинг келиши осон, кетиши қийин. Аслида ҳар қандай касалликни нодонлигимиз туфайли кўра-била туриб, баъзида билиб-билмасдан "сотиб оламиз". Кейин сабабини тополмай, ўзимизча муолажага киришамиз. Нари борса, замонавий тиббиёт кашфиётларидан фойдаланиб, танамизни даволаймиз, бироқ касалликнинг асл манбаи руҳиятимизда эканини пайқамаймиз. Ўзаро муносабатлар чоғида рўпарамиздаги тилидан бол томиб турган, ўзимизга ўхшаган одамнинг "лабзига" ишонамиз. Алданиб қолгандан кейин жиғибийрон бўлиб, фиғонимиз фалакка чиқади-ю, аммо ўзимиз ҳам қачондир, кимнидир алдаб, ишимизни битириб олганимизни ўйлаб кўрмаймиз. "Нега?" деган саволга "Хом сут эмган бандамиз-да", деб қўямиз, холос.

Мустақиллик туфайли мамлакатимизда эътиқод эркинлиги, сўз эркинлиги Бош қомусимизда аниқ белгилаб қўйилган. Юртимиздаги минглаб жоме-масжидларда ибодат қилаётганларнинг сон-саноғи йўқ. Ким бўлишидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари давлат томонидан кафолатланган. Иймон-эътиқод, ҳалол-ҳаром, инсоф-диёнат тўғрисида маърифат ўчоқларидан тортиб, масжид-у, мадрасаларда даъватлар бўлаяпти, ташвиқот-тарғибот олиб борилаяпти. Таассуфки, уят, айб, андиша, деган тушунчаларнинг бозори касод. Қилаётган, ёхуд, қилмоқчи бўлган ғайр амалларимиздан уялмай қўйдик.

Шом қоронғуси чўка бошлаган куз кунларининг бирида ишдан қайтаётиб бозор йўлидан уйга кетаётган эдим. 60 ёшларни қоралаб қолган бир онахон: "Шу бир литр қаймоғим қолди. Узоқда яшайман, охирги автобус кетиб қолмасин. Келинг, иним, арзонга бераман. Олиб кетинг, болаларингиз билан мазза қиласизлар", дея ялинди. Шу алфозда қаймоқ унча зарур бўлмаса ҳам кекса аёлнинг ўтиниб туриши ва бозор нархидан арзон сўраётганини кўриб: "Опа, ҳақиқатан ҳам қаймоғингиз тозами, алдамаяпсизми?", деб сўрадим.

"Вой, нега ишонмайсиз иним? Мана, бўш идишлар, неча литрини сотиб бўлдим, фақат шу бир литри қолди. Ўзимизнинг қўлбола қаймоқ. Шу ёшимда сизни алдайманми?", деди. Онахонга ишондим. "Арзон беиллат бўлмас" деган нақлни яхши билсам-да, болалари ва набиралари олдига ошиқаётган бу ожизага раҳмим келди...

"Нима келтирдингиз ўзи, "қаймоқ" деб, ун қўшилган қатиқни кўтариб келибсиз-ку!.. Доим арзонига учиб, алданиб юрасиз. Қанақа одамсиз, ахир?" Хотинимнинг бу сўзлари вужудимни музлатиб юборди. Наҳотки муштипардек туюлган кап-катта аёл ёлғончи бўлса?

Кўпинча гап-гурунгларда одатий ҳаёт тарзига айланиб қолган оддий кўзбўямачиликларни мисол қилиб келтирамиз ва шубҳасиз, аксариятимиз ўзимизни жабрланаётганлар сафига қўйиб, фиғон чекамиз. Одатланиб қолганимиз энг ёмон иллатлардан бири атрофимиздаги ноҳақликлар, риёкорликларга лоқайд муносабатда бўлишимиз, кўриб кўрмасликка олишимизда. Дунёни сув босса ҳам тўпиғимизга чиқмайди. Шахсий манфаатларимизга, тирикчилигимизга зарар етмаса бўлди.

Кимларгадир малол келиши мумкин бўлган, аччиқроқ бўлса-да, кўнгилдан кечган гапларни эътиборингизга ҳавола қилишдан мақсад шуки, атрофимизда янгиланиш, улкан бунёдкорлик ишлари шиддати турмуш тарзимизни ўзгартириб бораётган ҳозирги замонда ҳар биримиз ўз руҳиятимизга четдан туриб бир разм солсак, "Нега?" деган саволга жавоб топармидик?..

**Ҳасан ҚАЮМОВ**

**Тарих саҳифаларидан**

# ТОЛМАС САЙЁҲ

XIX аср охири ва XX аср бошларида дунё бўйлаб саёҳатга чиққан бухоролик жаҳонгашта Мирзо Сирожиддин Сирожий ҳақида кам маълумотларга эгамиз. У 1878 йили Бухорода йирик тижоратчи Мирзо Абдурауф оиласида таваллуд топган. "Туҳаф аҳле Бухоро" қўлёзмасининг муаллифи бўлмиш Мирзо Сирожиддин (адабий тахаллуси Сирожий) 5 ёшидан мактабга борган ва 10 ёшларида мукаммал саводи чиққан. Сўнг икки йил давомида ёлланган ўқитувчилар ёрдамида форс-тожик, пуштун, араб, кейинроқ эса рус, француз ва инглиз тилларини ҳам ўрганган. Бинобарин, бўлажак сайёҳ қисқа вақт ичида адабиёт, фалсафа, тарих, жуғрофия, математика, фалакиёт, айниқса, тиббиёт соҳаларида ҳам улкан муваффақият қозонади.

Ўн тўққиз ёшда машаққатли ва ҳатто хавф-хатардан ҳоли бўлмаган олис сафарларга чиқишини ихтиёр этган. Дастлаб, қарийб ўн уч йил Ўрта Осиё шаҳарларини кезиб чиққан. Кейинчалик Дашти Қипчоқ орқали Россияга, Кавказ ва Кавказорти ўлкаларига, Туркия ва Шарқ ўлкаларига қадам қўйган. Сайёҳнинг ўз эсдаликларида ёзилишича, Макка, Мадина шаҳарларида,Шом, Яман, Иордания, Қуддуси шариф ҳамда Африка қитъасидаги Жазоир, Марокаш, Мавритания, Ҳабашистон мамлакатларига саёҳатлари қизиқарли бўлган. Мирзо Сирожиддин қаерга бормасин, унинг ташрифи шунчаки томоша бўлмаган, балки у ўша ўлкаларнинг тарихи, жўғрофияси, иқлими ҳамда аҳолисининг яшаш тарзи, сиёсий-иқтисодий, маданий ҳаётини мукаммал ўрганишдан иборат бўлган. Турли халқларда ўзларига хос урф-одатлар борки, барча замонларда ҳам бошқалар бу ҳақда билишга интилиб келган. Бухоролик сайёҳ Қора денгиз орқали Бокудан Туркияга қилган сафари ҳақидаги эсдаликларида Истамбул ва Қора денгиз бўйидаги бошқа турк шаҳарларини, бу халқнинг тарихи, урф-одатларини тасвирлайди. Истамбул обҳавосининг мўътадиллиги ҳамда бу шаҳарда қадимий меъморчиликка оид кўплаб гўзал ва муҳташам иншоотлар савлат тўкиб тургани ҳақида ёзар экан, уларни қизиқарли этиб тасвирлашга ҳаракат қилган:

"Истамбул (Константинополь) теварак-атрофида шундай миллий иншоотлар борки, уларнинг пойдеворлари, деворлари ундаги қурилиш услубларининг бетакрорлиги киши ақли бовар этмайдиган даражада амалга оширилгандир. Бу иморатларнинг аксар қисми ясси тоғнинг ўзида жойлашган бўлиб, шу тоғ қояларини асрлар давомида ишлаш-тарошлаш жараёнида вужудга келгандир", ("Туҳаф аҳле Бухоро" 33-34 бет.) дейди сайёҳ. Айниқса, у дунёнинг мўъжизаларидан бири ҳисобланган машҳур Аё София мадрасаси ҳамда масжидига алоҳида тўхталади. Бу иншоот қадим Византия императори Юстиниан I томонидан насронийча бунёд этилган улкан ибодатхона бўлган. У дунёнинг энг уста бинокорлари, ўн мингдан зиёд ишчи кучи ёрдамида ўн олти йилда қурилган. Талай даврлардан кейин шаҳар турклар қўлига ўтгач, бу иморат қайта қурилиб, таъмирланган.

Мирзо Сирожиддин Истамбул орқали Болгарияда ҳам бўлади. Мирзо Сирожиддин Сирожий Софиядан Будапештга ундан Австрия пойтахти Венага келади. Шундан кейин сайёҳ Берлин, Париж шаҳарларига йўл олади. У Париж шаҳрини тасвирлаб, "ҳар ким бўлса-да, ҳаётида бу шаҳарни, албатта, бир бор кўриши керак", — деб ёзади.

У Лондондан Париж, Вена ва Варшава орқали Москвага, 1902 йилнинг ноябрь ойи бошларида эса Боку ва Ашхобод орқали Бухорога қайтиб келади. У Бухорода бир ой чамаси тургандан кейин, ўша йилнинг декабрь ойида савдо карвони билан иккинчи марта узоқ саёҳатга отланади. Бу сафар у Ашхобод орқали йўл олади. Сайёҳ сўнгра Эрон орқали Афғонистонга ўтиб, Ғазна ҳамда Тус шаҳарларида бўлади. Мирзо Сирожиддин Ғазнада буюк аллома Абу Райҳон Беруний мақбарасини зиёрат этиб, ундан сўнг Ҳирот шаҳрига келади. Бу қадимий замин, ғазал мулкининг султони, буюк шоир амир Низомиддин Алишер Навоий ҳазратларининг ватани, кўпгина тарихий воқеаларга бой Ҳирот, — деб ёзади сайёҳ. У Алишер Навоий мақбараси, Абдураҳмон Жомий ва миниатюра санъатининг бетакрор устоди Камолиддин Беҳзод ҳамда унинг жияни Мирак Наққош қабрларини зиёрат қилганлигини ўз кундалигида қониқиш билан қайд этган.

Мирзо Сирожиддин Ҳиндистонда Бомбей, Ҳайдаробод, Мадорас, Калькутта Мўлтон, Кашмир ва бошқа катта-кичик шаҳарларда бўлишга, қизиқарли маълумотлар тўплашга ҳаракат қилган.

1910 йил охирларида ўз саёҳатини тамомлаб, қадрдон Бухорога қайтган сайёҳ Европа усулидаги мўъжаз, ҳар жиҳатдан намунали шифохона ва дорихона очади. Бу касалхонада у умрининг охиригача фақир-фуқароларга бепул ёрдам кўрсатиб, беморларни дарддан фориғ этиб яшайди. Шунингдек, у 13 йилдан зиёд давом этган сафари асносида тўплаган маълумотларини тартибга солиб, "Туҳаф аҳле Бухоро" ("Бухоро аҳлига туҳфа") номли китоб ёзди.

Мирзо Сирожиддин ўша давр анъаналарини давом эттириб, ҳазрат Алишер Навоий, Низомий Ганжавий, Лутфий, Жомий, Фузулий ва бошқа классик шоирлар ғазалларига мухаммаслар ҳам боғлаган. Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик илмий-тадқиқот институти қўлёзмалар фондида Сирожий қаламига мансуб икки юздан ортиқ шеърлари киритилган алоҳида девон сақланмоқда.

Толмас сайёҳ баракали қалам тебратиб, "Самарқанд", "Турон", "Бухорои шариф", "Ойна" каби газеталарда турли мавзулардаги мақолалари билан фаол қатнашади. У, айниқса, келажак эгалари бўлмиш ёшларнинг тарбияси, аҳлоқ-одоблари, хуллас ҳамма жиҳатдан ҳам баркамол комил инсон бўлиб етишишлари, уларнинг келажаклари ҳақида кўп қайғурган. У "Самарқанд" газетасининг 1913 йил 12 сонида босилган мақоласида Бухородаги эски тузумдаги мактаблар ва уларда ўқиш-ўқитиш ишларининг талабга жавоб бермайдиган даражадаги яроксизлигини айтади: "У усул бошдан-оёқ кўриниб турган хурофийликка ботган зулмат, жоҳилиятдан ўзга нарса эмас. Бундай ҳолда маърифатимиз ортга кетса, кетадики, асло олға босмайди". Талабаларнинг калтак зарбидан азобланишларини эса гапириб ўтирмаса ҳам бўлади, бу ҳоллар бориб турган жоҳилликдан ўзга нарса эмас, дейди сайёҳ. Янги асрга, янгича соғлом фикр билан қараб, соғлом авлодлар ҳақида ўйлаш вақти келганлигини, янги тартибдаги мактабларда дунёвий фанларни маърифат нури, шуури ила йўғрилган зиёбахш ўқитувчилар ўқитгани ниҳоятда мақсадга мувофиқлигини дадил кўтаради.

Бухоролик машҳур сайёҳ Мирзо Сирожиддинннинг узоқ давом этган сафари таассуротлари мужассам бўлган тожик тилидаги "Туҳаф аҳле Бухоро" номли ягона асари эндиликда нодир ёзма ёдгорликлардан бири ҳисобланади.

Бу асар ҳам шунга ўхшаш бошқа асарлар каби, албатта, кўплаб мамлакатларнинг ўзига хос даврини ўрганишда, ўша мамлакатлар тарихи, маданияти ва санъатидан бохабар бўлишда жуда нодир манбадир.

**Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН**

**Сўлим гўшаларда**

# МАФТУНКОР "ЭМАНЗОР"

Жаннатмонанд юртимизда одамлар ҳордиқ чиқарадиган сўлим гўшалар кўп. Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган, эл оғзида "Оқтош" номи билан таъриф олган санаторийга туташ бир сўлим маскан бор.



Ўзбекистон Бадиий академиясига қарашли, ўзбекчасига "Эманзор" деган маънони англатувчи бу дам олиш масканининг теварак-атрофида ям-яшил дарахтлар, кўкка виқор билан бўй чўзган эманлар, пурвиқор тоғ салобат тўкиб, кишига ҳузур бағишлайди. Биллурдек соф ҳаводан баҳраманд бўлиб кўнглингиз яйрайди. Турфа гуллар ёқимли бўй таратиб завқингни оширади. Бу ерда табиат ошуфталари — мусаввирлар-у, қўли гул ганчкорлар, кулоллар-у, ёғоч ўймакорлари, хуллас, ўзбек ҳунармандчилиги, санъати ривожига ҳисса қўшаётган фидойи инсонлар баҳра оладилар.

Мазкур оромгоҳда диди ниҳоятда нозик ижод аҳли дам олишади. Унинг директори Бегмат Каримов мижозларнинг руҳиятини яхши англайдиган, тиниб-тинчимас, фидойи талабчан инсон экан. Шу боис жамоанинг ҳар бир аъзоси ўз юмушларини аъло даражада бажаришга ҳаракат қилади. Дарҳақиқат, бу ерда шароитлар ҳавас қилгулик: шинам дам олиш хоналари, қулай ва чиройли мебеллар, хуллас, бироз толиққан ижодкорлар ҳамма нарсани унутиб, яхши ҳордиқ чиқаришлари учун барча қулайликлар муҳайё этилган.

— Мана шундай мафтункор жойлар диди нозик ижод аҳлига чин маънода яхши асарлар яратиш учун илҳом берадиган ажойиб гўшадир, — дейди Ўзбекистон Халқ рассоми, академик Ниёзали Холматов. — Биз учун барча қулайликлар муҳайё этилган.

Чиндан ҳам ижодкор учун илҳомланадиган маскан, манзарали жойлар зарур. "Эманзор" оромгоҳи эса ана шундай ажойиб гўша экани билан довруғ қозонган.

— Умр йўлдошим билан ҳар гал "Оқтош" санаторийсида дам олиб, даволанардик, — дейди меҳнат фахрийси Ҳабибулло Ҳидоятов. — Билганлар "Эманзор" оромгоҳининг таърифини келтириб, роса мақташди. Бу ерга келиб уларнинг гаплари тўғрилигига тўла ишонч ҳосил қилдим. Шароитлар билан танишиб, унинг соф ҳавосидан нафас олиб, юртимизда ҳам хориждаги номдор санаторийлардан қолишмайдиган шундай масканлар борлигидан ўзимда йўқ қувондим.



— Халқимизнинг юз марта эшитгандан бир марта кўрган яхши, деган мақоли хўп топиб айтилганига яна бир карра амин бўлдик, — дейди суҳбатдошимиз ганчкор, Ўзбекистон Халқ устаси А.Мухторов. — Биз бир гуруҳ фахрий ижодкорлар истиқлолимизнинг қутлуғ 22 йиллик шодиёналари нишонланган кезларда шу оромгоҳда ҳордиқ чиқардик. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу ерда яратилган қулайликлардан жуда мамнун бўлдик. Оромгоҳ хизматчиларининг ғайрат-шижоатларига ҳар қанча тасаннолар айтса, арзийди.

Оқшом тушиши билан оромгоҳ янада файзланиб кетади. У ерда бўлганимизда каминада бир фикр уйғонди. Эрта баҳор ёки куз мавсумида бу ерга дам олгани келганлар эсдалик сифатида мевали, манзарали дарахтлар ўтқазишса, боғнинг бир ҳуснига ўн чирой қўшилиб, янада мафтункор қиёфа касб этган бўларди. Дарҳақиқат, масканнинг доимий дам олувчилари — биз ижодкорлар ҳам мафтункор санъат асарларини яратиш билан бир қаторда юртимизнинг янада гуллаб-яшнашига ҳисса қўшишни шарафли бурчимиз деб биламиз ва унга ҳамиша содиқ қоламиз. Ҳар биримиз юртимизда инсон манфаатлари олий даражага кўтарилаётганининг жонли гувоҳи бўлиб турибмиз. Шундай экан, ўзимиз мароқли дам олиб, ҳордиқ чиқарадиган, ҳар бир меҳмонни ўзига чин маънода ром этадиган «Эманзор» оромгоҳининг бундан-да гўзал, сўлим, файзли бўлиши учун бир ёқадан бош чиқариб, жонбозлик кўрсатсак, нур устига аъло нур бўлади.

**Солиҳ ЁҚУБОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими**

**Инсон манзаралари**

# ОТА ЎГИТИНИ УНУТГАН ОДАМ

Дам олиш кунлари зерикканда "дом"имиз ёнидаги чойхонага чиқиб тураман. Баланд чинорлар тагида жойлашган бу "оромгоҳ" ҳамиша гавжум. Айниқса, иссиқ кунларда шарқираб оқаётган ариқдаги сув тафтингни олади. Бир чойнак кўк чойни олиб, чеккароқдаги курсилардан бирига ўрнашдим. Чойдан энди ҳўплаган эдим ҳамки:

— Ёнингизга ўтирсам бўладими? — дея қадди бироз эгилган, қовоқлари салқиган, аниқроғи, ҳали кексаликни тан олишни истамаётган бир одам менга мурожаат қилди.



— Келинг, — дедим бироз малол келгандай оҳангда. Чунки атрофда бўш жойлар кўп эди.

— Айбга буюрмайсиз, ука! Ёлғиз ўтиришни хуш кўрмайман. Қарасам, биз томоннинг одамларига ўхшаб кетдингиз.

Яхши гап яхши-да. Янги танишимнинг бу мулозамати кўнглимдаги чигилни ёзди, унга зимдан назар солдим. Чеҳрасида кексалик аломатлари сезилса-да, юзлари қизил, сочлари ва қошлари қопқора, биронта оқи йўқ эди. Бўядимикин? Ялтираб турибди-ку! Умри маишатда ўтган собиқ амалдорлардан бўлса керак-да, дея ўйладим. Чойдан узатарканман, ҳамроҳимга юзландим:

— Бизнинг томонлар деганингиз қайси тарафлар?

— Энди, — у бироз тараддудланди. — Шу Самарқанддан кейинги қишлоқлар-да.

Танишиб олдик. У бизга қўшни қишлоқлардан биридан экан. Бир-икки ўзим билган одамларни сўраган эдим, танимади.

— Мени айбламайсиз, — деди у хижолат тортиб. — Қишлоғимдан чиқиб кетганимга қирқ йилдан ошди-ёв. Талабалик йилларимда тез-тез бориб турардим. Кейин иш, бола-чақа, турмуш ташвишлари дегандай. Ота-онам ўтиб кетгандан буён эса умуман бормай қўйдим.

Одатда ёши элликдан ошган одамлар учрашиб қолса, албатта, уларнинг суҳбати рўзғор, бола-чақа ҳақида бўлади. Танишимдан фарзандлари ҳақида сўраганимни биламан, унинг авзойи бирдан бузилди.

— Тўғриси, ярамга туз сепдингиз, лекин начора, ўзимизнинг юртлардан экансиз, дардимни айтиб, зора енгиллашсам, — дея сўз бошлади. — Мактабнинг аълочи ўқувчиси эдим. Отам мени катта шаҳарга жўнатар экан, айтган гапи шу бўлди: "Ўғлим, қобилиятинг бор. Мен бир оддий деҳқонман. Бировга гапим ўтмайди, дастим калта. Мен сенинг қўли истаган ерга етадиган одам бўлишингни, сенга ҳамма ҳавас қилишини хоҳлайман. Аммо қандай мартабага етсанг ҳам қишлоғингни, қавм-қариндош, эл-элатингни ҳеч қачон унутма".

Биринчи йили дорилфунуннинг мандатидан қайтдим. Кейинги йили кечани-кеча, кундузни-кундуз демасдан, ётсам ҳам, турсам ҳам тиним билмай ўқидим ва ниятимга етдим. Талабалик йилларим ҳам осон кечмади. Отамнинг доим ҳам пул жўнатишга қурби етмас эди. Якшанба кунлари мардикорликка чиқардим.

Ўқишни битираётган йилим омад кулиб боқди. Бир бой хонадоннинг эркатой қизи менга кўнгил қўйди. Ота-онам бошида рози бўлишмадию, кейин ноилож "хўп" дейишди. Хуллас, тўйимиз шаҳарда бўлиб ўтди. Қариндошларимдан беш-олти киши қатнашди, холос. Тўйдан кейин қарабсизки, ишларим юришиб кетди. Тез орада данғиллама уй-жой, иш, машина, хуллас, шаҳарнинг бойвачча йигитларидан бирига айландим. Беш йилдан сўнг банклардан бирига ўринбосар бўлдим, яна бир-икки йил ўтиб эса бошлиқ. Бой қайнотам қўллаб турган бўлса-да, мен ўзим ҳам иқтидорли эдим. Мақсадга эришиш учун ҳамма воситалардан фойдаландим. Хуллас, ёш бўлсам-да, кимсан Тошпўлат Аҳмедовичга (исм-шарифи ўзгартирилди) айландим.

Хотиним дипломни сандиққа ташлаб, ўзини савдога урди. Хориж унга бир қадам бўлиб қолди. У пултопар, чиройли, ноз-карашмаси жуда зўр эди. Аммо қариндошларимни ҳеч хушламасди. Ака-укаларим ўзлари бояд-шояд яшамаса-да, шаҳарга тўлиб-тошиб келишарди. Бирови бир қоп олма ё анор, узум ёки нимта гўштми, бир бидон асалми, ишқилиб, бирон тансиқроқ неъмат кўтариб келишарди. Юқорида айтганимдек, хотиним уларни ёқтирмасди. Нарсаларини оларди-ю, ўзларини совуққина кузатиб юборарди. "Акангиз чет элга командировкага кетган", "У киши бу ҳафта бўлмайдилар" дерди. Мен буларни билардим, албатта. Қариндошларим, қишлоқдошларимга ёрдам беришим мумкин эди. Ҳеч бўлмаса, икки оғиз ширин сўзимни айтсам асакам кетмасди. Кимнидир шифохонага ётқизишга, кимнидир ишга жойлашга ёки банкдан кредит олиб беришга имконим бор эди. Илтимос қилсам гапимни қайтармайдиган танишларим кўп эди. Бироқ мен уларга ёрдам бермасдим. Очиғи, аёлимнинг тинмай жаврашлари туфайли менинг миямга ҳам қавм-қариндош, қишлоқдошларимга нисбатан нописандлик, менсимаслик кайфияти сингиб улгурганди. Менинг ҳаётдаги энг катта хатойим шу бўлса керак. Орадан йиллар ўтиб, уйимдан қариндошу танишларимнинг қадами бутунлай узилди. Мен ҳам қишлоққа бормай қўйдим. Аммо буни ўйламасдим. Нега десангиз, пулим кўп, уй-жой, дача, машиналар, дўконларим бор эди. Аммо буларнинг ҳеч бири инсоний меҳр-оқибатнинг ўрнини босолмаслигини кеч тушундим.

Ўшандай босар-тусаримни билмай юрган кунларда укамнинг қишлоқдан бир неча марта телефон қилиб: "Ака, отамнинг аҳволи оғир, тезроқ етиб келмасангиз бўлмайди", дегани ҳеч эсимдан чиқмайди. Мен нодон буни кекса кишининг одатдаги инжиқлиги дея, ҳар хил нарсаларни баҳона қилиб, боришни пайсалга солдим.

Орадан бир неча кун ўтиб, отамнинг оламдан ўтгани ҳақида хабар келди. Маъракасига етиб бордим. Аммо энг аламли томони, отам билан рози-ризолик қилолмадим...

Гап шу ерга келганда суҳбатдошимнинг кўзлари намланди.

— Шунинг учунми, Худо мени жазолади. Икки ўғил ўстирдим, улар ҳеч қандай кам-кўстсиз, тўкин-сочинликда улғайишди. Бироқ «Қуш уясида кўрганини қилади» деганларидек, болалар оилага, ота-онага бемеҳр бўлиб ўсган экан. Мен уларни ҳеч нарсага зориқмай ўсишларини ўйлабман-у, аммо нима қилсам улар келажакда яхши инсонлар бўлиб етишишларини хаёлимга келтирмабман. Катта ўғлим мактабни тугатгач, ўзимизнинг юртимизда ўқишни истамади. "Дада, мен чет элга кетмоқчиман", деди.

— Нима қиласан четда? — дедим.

— Хорижда ўқиб, мустақил яшамоқчиман, — деди.

Мана, ўн йилдан буён қорасини кўрсатмайди. Америкада яшаб, ўша ерда уйланганмиш. Бир телефон қилиб қўяй ҳам демайди. Иккинчи ўғлим унисидан ҳам ошиб тушди. Машинада кекса бир онахонни уриб кетди. Танишларимни ишга солиб, бу ишни бир амаллаб "бости-бости" қилдим. Орадан кўп ўтмай "қора дори" савдосига аралашиб, қамалиб кетди. Ўзимнинг ҳам омадим кетди шекилли, уч-тўрт йил бурун ишимдан олиб ташлашди. Юқорида айтганимдек, хотиним хорижга қатнаб, мол ташиб келарди. Шундай сафарларда бир савдогар билан танишиб, у билан гаплашиб юрар экан. Ишим орқага кетган заҳоти у ҳам мендан юз ўгирди. Уйдан бош олиб кетишга мажбур бўлдим. Озроқ жамғармам бор эди, машинамни ҳам сотдим-у, ҳаммасини қўшиб, шу маҳалладан икки хонали квартира сотиб олдим. Хуллас, қавм-қариндош, оила нима эканини тушунмабман. Болаларимга пул берибман-у, аммо уларга инсонийлик сабоқларини ўргатмабман. Энди ўйласам, улар ота-оналарининг турмуш тарзи, худбинлигидан ибрат олган экан.

Ёлғиз одам учун туннинг ўтиши қийин. Тонг отмайди, биродар. Ўлиб-нетиб қолсам, эгасиз қолиб кетмай, деб эшикни қулфламай ётаман. Қишлоққа ҳам боролмай қолдим. Борсам кўпчиликни танимайман. Таниганларим эса четлаб ўтишади. Аммо улар мени танишаркан. Улар учун мен "Аҳмад чолнинг катта шаҳарда ишлайдиган, аммо қишлоққа келмай қўйган бемеҳр ўғли"ман.

Кўпдан буён бир савол мени қийнарди: қаерда, қачон, қандай хатога йўл қўйдим? Нимани нотўғри қилдим? Нега ҳаётим барбод бўлди? Ўйлаб-ўйлаб бу саволга жавоб топдим. Мени қадрлаган азиз тупроқни, она қишлоғимни, яқин қадрдонларимни, энг асосийси, отамнинг ўгитини унутибман. Улар олдидаги қарзимни, фарзандлик бурчимни бажармабман. Афсуски, хатоимни тўғрилаб, билиб-билмай қилган гуноҳларимни ювишга энди кеч. Умр ўтиб бўлди...

Танишим оғир хўрсинди. Уни диққат билан тинглаётганимга ишонч ҳосил қилгач, секин давом этди.

— Биласизми, кейинги пайтларда тушларимга нуқул қишлоғимиз киради. Биз бола пайтларимизда ҳовлиларда девор бўлмасди. Ёз оқшомлари уйимиз олдидаги супада ака-укалар осмондаги юлдузларни санай-санай, адоғига етмасдан ухлаб қолардик. Уйлар бир-бирига яқин қилиб қурилгани, деворлар бўлмагани сабабли ота-онамиз қўшнилар билан супада ўтириб бемалол суҳбатлаша оларди. Узоқ қиш тунларида иссиқ сандал атрофини ўраб, керосин чироқда "Алпомиш", "Гўрўғли" достонларини ўқир, бобобувиларимизнинг эртак-маталларини мириқиб тинглардик. Тупроқ кўчаларни чангитиб чопганларимиз, кўм-кўк қир-адирларда қўйларни ҳайдаб юрганларимиз-чи? Энди ўйласам, энг беғубор даврларим ўша олис болаликда қолиб кетган экан. Қани эди, ўша кунлар бир дам қайтса-ю, мен болага айланиб ота-онамнинг бағрида бир кеча ором олсам.

Болалик ҳақидаги хотираларини сўзларкан, ҳамроҳим ҳаяжонланиб, кўзлари порлаб кетди...

Бу пайтда атрофда биздан бошқа ҳеч ким қолмаган, чойхона хизматчилари стол-стулларни йиғиштиришарди.

**Абдужалол ТАЙПАТОВ**

**Табиат мўъжизалари**

# АЛВАСТИКЎЛ

*Одам табиати қизиқ. Жумбоқларни ечишга интилади. Сир-синоатларнинг тагига етгиси келади ва кўп нарсанинг моҳиятини англадим, деб ўйлайди. Аслида-чи? Йўқ, чунки она табиатнинг биз билмаган жумбоқлари беҳисоб.*

*Китоб тумани баланд тоғлар билан ўралган сўлим гўша. Ўсимлик дунёси бой, ҳар бир гиёҳи минг дардга даво, қолаверса, ҳар бир қишлоғининг ўз тарихи бор. Аммо ҳаммамиз ҳам буни билмаймиз. Оёқчи қишлоғидаги Алвастикўлни кўриш баҳонасида мазкур ҳудудда ҳам шундай жойлар кўп эканига гувоҳ бўлдик.*



### ОЙ ЁҚЧИМИ, АЙҒОҚЧИ?

Оёқчи Чироқчи туманининг Қалқама қишлоғи билан чегарадош. Баланд тоғлар билан ўралган бу қишлоқ аҳолисининг айтишича, Оёқчи сўзининг маъноси «ой ботадиган тараф» ёки «айғоқчи» деган маънони бераркан. Ёзилишида Оёқчи сифатида қабул қилинган бўлсада, шу ерликлар «Аёқчи» деб талаффуз қилишларига таянсак, бу сўзнинг илдизи «айғоқчи»га бориб ҳам тақалиши мумкин. Қишлоқ кексаларининг таъкидлашича, бу ерлик аҳолини қадимда ой ёқчиликлар деб аташган. Биз учун бу икки фаразнинг қай бири тўғри эканлиги эмас, аксинча, ҳозир ҳам Оёқчи деган қишлоқнинг мавжудлиги муҳим. Бу кишлоқ Юқори ва Қуйи Оёқчига бўлинади. Юқори Оёқчига туман марказидан автомашинада 45 дақиқада борилади. Алвастикўл шу қишлоқ ҳудудида жойлашган. Қизиғи, Юқори ва Қуйи Оёқчини Бутоб тоғ ажратиб туради. Аслида унинг номи Бедов бўлган. Кейинчалик Бутоб номини олган. Тоғнинг пасайиб келган жойида худди тошлари ўйиб, тарашлангандек оралиқ жой бор. Шу ердан икки қишлоқни боғлаб турувчи йўл ўтган. Қишлокдан кечаю кундуз тинимсиз ҳуриллаган тоғ шамоли эсиб туради.

### НИМА УЧУН АЛВАСТИКЎЛ?

Шу ерлик қадрдоним Маматқул ака Қувватов мени уйига таклиф қилди. Шошиб турганимни, Алвастикўлга боришим кераклигини айтдим. «Шунча йўл юриб келибсан, бориб кўрамиз, аммо ўтган йили катта сел келди. Алвастикўл қумга тўлган», деди. Мен ниятимдан қайтмадим.

Битта патирни белга боғлаб, «Қайдасан, Алвастикўл» дея йўлга тушдик. Маматқул ака йўл-йўлакай кўл ҳақида халқ тилида юрган ривоятларни гапириб берди. Айтишларича, унинг алвастиси бор экан. Кечаси қолган одамни «тутади». Чироқчида бир татар овчи ўтган, Оёқчи тоғларида ов қилган. Маҳаллий аҳолининг Алвастикўл ҳақидаги ривоятларига ишонмай, «Алвастиси бўлса, ўзим отаман» деб мақтанган ва кўл ёнига чодир тикиб ётган. Тунда кўлдан аёл қиёфасидаги бир кўзли махлуқ чиққан. Сочларини тараб турган «алвасти»ни отишга чоғланган овчи ҳарчанд уринмасин, милтиғи ўт олмайди. Ваҳима билан қишлоққа қайтади ва воқеани сўзлаб беради.

Ярим соатча йўл юриб, қишлоқ кексаларидан, умри чўпонлик билан ўтган Мардон бобо Иброҳимов хонадонига етиб бордик. У кишига мақсадимизни айтдик. Отахон «мен анча қариб қолдим, йўлга ярамайман. Ўзларинг бориб Алвастикўлни кўриб келинглар, кейин гаплашамиз», деди.

### ҚИРҚ ЧАШМА

Табиатнинг ажиб мўъжизаси тоғдан қайнаб чиқаётган чашмалардир. Улардан оқиб чиқадиган муздай зилол сув танга роҳат бағишлайди. Руҳ яйрайди. Ҳар бир чашманинг ёнида идиш бор. Ким тоққа чиққудек бўлса, шу идишларда сув ичиб, манзилга томон кетаверади. То Алвастикўлгача қирқдан ортиқ шундай чашма бор. Ҳаммасида бир хил ҳолатни кўрасиз. Бу хислат тоғликларнинг анъанаси, балки эътиқодига айланган. Ажабланарлиси, иссиқда куйиб, терлаб келган одам муздай сувдан ичса ҳам соғлигига асло зарар етмайди. Қишда ичса ҳам одамнинг тани қувват олавераркан. Чашмалар тоғдан келаётган сойга қўшилиб, Оёқчидарёни ташкил этади. Тоғдан эсаётган салқин шамол эса қуёш тик кўтарилганига қарамай, бизни илдам қадам ташлашга ундарди.

### ХАРОБАЛАР НИМАДАН СЎЙЛАЙДИ?

Тоққа яқинлашарканcиз, сойнинг икки томонидаги тепаликларга кўзингиз тушади. У ерда ҳали ҳам қадимги уйларнинг харобалари бор. Аҳоли қачонлардир шу тепаликларда яшаган. Ўтган аср бошларида қуйига қараб силжиган. Уйларнинг бир-бирига яқинлиги, ҳовлиларнинг ихчамлигидан кўриш мумкинки, бу ерда истиқомат қилган аҳоли деҳқончилик билан шуғулланмаган. Уларнинг тирикчилик манбаи чорва бўлган. Харобага айланган манзилни ораларканмиз, пойдевор сифатида терилган тошларнинг аксарияти тоғ тошлари эканини кўрдик. Хоналарнинг кичиклиги эса уларнинг томи кигиздан ёпилгани, ўтовга ўхшаш бўлганлигини англатади. Маълумки, кигиз баҳорги ва кузги ёмғирларга бардошли. Ҳатто тинимсиз қор ёғса ҳам чакки ўтиши амримаҳол. Яна кўрдикки, хонадонлар бир-бирига яқин қурилган. Сабаби, бу ерда бўри бўлган. Одамлар ундан ўзларини ва чорвасини ҳимоя қилиш мақсадида бир-бирига бақамти яшашган. Қизиғи, пойдевор тошлар қандай терилган бўлса, ҳали ҳам асл ҳолатини йўқотмаган.

### ЎЗ ТАРИХИ, ЎЗ НОМИ БОР

Аҳоли истиқомат қилган тепаликларнинг ҳар бири ўз номига эга бўлган. Масалан Монис, Чаккатош, Йўлсой, Илонсой, Шолипоя, Салима, Минг дўлана, Читалсой, Катта Дўстқора, Кичик Дўстқора, Алвасти, Олволи патта, Чуқур юрт, Томоша, Қосимбой қишлоқ, Пистали мозор, Хўжабоғча, Бобоқулди сойи, Жумаллиқ сойи, Қоронғул. Бу номларнинг ҳам ҳар бирининг ўз тарихи бор, албатта.

Шу қишлоқлик Актам Бекназаровнинг айтишича, Оёқчи ўрта асрларда обод ва гавжум манзиллардан бўлган.

### ҚОРОНҒУЛМИ, ҚОРОНҒИ КЎЛ?

— Қоронғулнинг ҳам ўзига яраша тарихи бор, — дейди Актам ака. — Бу ерда сув омбор бўлган, дейишади. Суви жуда мўл бўлган. Адоғи кўринмаган. Шунинг учун одамлар уни Қоронғи кўл деб аташган.

Суҳбатдошим қўли билан чамалаб кўрсатган майдон ва баландликни эътиборга оладиган бўлсак, юқорида кўрган харобаларимиз сув остида қолиб кетиши керак эди. Демак, аҳоли аввалари ундан ҳам юқорироқда яшаган. Кейинчалик Қоронғи кўлнинг сатҳи пасайиб боргани сари аҳоли ҳам пастга эниб келаверган.

Аввалига ишонмадим. Боиси тоғда сув омбор бўлиши мумкинлиги одамни ажаблантиради. Ибтидоий тараққиёт даврида бундай сув иншооти қурилганми? Актам ака эса гапини исботлаш учун тўғон бўлган жойни кўрсатди. Дарҳақиқат, икки томондаги тепаликнинг яқин туташиб келган жойида улкан тошларнинг бир текис териб чиқилгани унинг қачонлардир тўғон бўлганини билдиради. Ҳар бири бир неча юз килограмм оғирликдаги бу тошларни ёғоч тиркамалар ёрдамида силжитиб, тўғон барпо этишган бўлса, ажаб эмас.

Алвастикўлгача 30 дақиқалик йўл экан. Шу ерда бироз ҳордиқ чиқардик-да, яна йўлга тушдик. Оёқчисой бўйлаб борарканмиз, тобора бизни чакалакзорга ўхшаган манзара бағрига ола бошлади. Ора-орада оёғимиз остидан эчкиэмарлар ўтиб қолади. Биринчи кўрганда баданга кирган титроқ қарийиб ҳар ўн қадамда эчкиэмарларни кўравергач, йўқолди. Бир жойга борганимизда Маматқул ака диққатимни улкан тошларни ёриб чиққан токка қаратди. Жонивор ғуж-ғуж узум туккан. Бу токларни маҳаллий аҳоли на кеса оларкан, на ҳосилидан ея оларкан. Сабаби, унинг тагида илонлар кўп бўлар экан. Бу ернинг илонлари икки-уч метр келармиш. Бу гапни шу атрофда юрган чўпонлар ҳам тасдиқлади. Нима бўлганда ҳам тошни ёриб чиққан токлар менга табиатнинг ғаройиб мўъжизаси бўлиб туюлди. Оёқчи тоғлари ўсимликларга бой, минг хилдан ортиқ гиёҳ ўсади. Ҳаммаси ҳар хил дардга даво. Масалан қирқ бўғимни қайнатиб ичилса, ички касалликлар тузалади. Буйрак ва ўт тошига қарши яхши восита. Кийик ўти қон босимини туширса, қонтепар ўсимлиги қон айланишини яхшилайди. Аврук баданга тошган тошмаларга эм. Эрмон шувоқ эса сариқ касални тузатади. Шунингдек, бу ерда тоғ бодоми ҳам ўсади. Маҳаллий аҳоли уни териб, ёғини олади, у кўп касалликларга шифо.

Ниҳоят Алвастикўлга ҳам етиб келдик. Номи кетган мазкур кўл биз ўйлаганчалик катта жойни эгалламаган экан. Маматқул аканинг гапи чин бўлиб чиқди. Кўлни қум босган, суви тўпиқни кўмади, холос. Одамларнинг гапига қараганда Алвастикўл анча чуқур бўлган. Биров етти метргача шўнғиганман деса, бирови ўн икки метргача ўлчаганман, лекин тагига етганим йўқ, дейди. Олти метрли шаршарадан сув тушган ва кўлнинг тугаш жойидан Оёқчисойнинг иккинчи қисми бошланган. Аммо неча юз йиллик тарихга эга бўлган Алвастикўл бугун жозибасини йўқотди. Энди у иккига айириб оққан Оёқчисойни бирлаштириб, ўзи ҳам сойнинг бир қисмига айланди. Қизиқ, унинг бу ҳолга келиб қолиши, кутилмаганда келган селнинг кўлни қумга тўлдириши ҳам табиатнинг сир-синоати эмасми?

### КЎПРИК, МАСЖИД ВА БОЗОР

Алвастикўлдан қайтишда ваъдалашганимиздек, Мардон бобо Иброҳимовнинг уйига кирдик. У киши кўрган-кечирганларимизни, одамлардан эшитганларимизни тасдиқлаб, ота-боболаридан эшитган ривоятларни эслаб, Оёқчининг яқин юз йиллик тарихи ҳақида сўзлаб берди. Отахоннинг айтишича, Оёқчида Исмоил ҳожи ва Қосимбой исмли иккита бой бўлган. Улардан бири масжид қуришга, бири эса кўприк қуришга бел боғлаган. Масжид синчдан бунёд этилган. Ўшанда Исмоил ҳожи «Масжидни кўтариш учун қирқ жонлиқни атадим», деган экан. Масжид қайси даврда бунёд этилганлигини билиш қийин бўлмади. Сабаби 75 ёшдан ошган Мардон ҳожининг бобоси шу масжид қурилишида иштирок этган экан. Кўринадики, масжид 19-асрнинг охирларида қурилган, кўприк ҳам. Кўприкдан аҳоли эшакараваларда юк олиб ўтган. Бозорда сотган. Оёқчининг ўзида катта бозор бўлган, ҳатто бу бозорга бошқа ҳудудлардан ҳам одамлар келиб савдо қилишган. Ўтган асрнинг 50-йилларига келиб кўприк ҳам, масжид ҳам бузилиб кетган.

Юқорида эшитганларимизнинг қанчаси тўқимаю қанчаси ростлиги борасида бирор нарса даъво қилиш муддаомиз йўқ. Энг асосийси, юртимизнинг шу мўъжаз манзилида бўлиб, Алвастикўл баҳонасида табиатнинг ғаройиб мўъжизаларини кўрдик, одамлар оғзидан қизиқарли афсонаю ҳикоятларни эшитдик.

**Баҳодир ҲАЛИМОВ**


Reklama

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банк (ОАЖ)

ASAKA BANK

**қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:**

***миллий валютада***

**«МУСТАҚИЛЛИК 2013»**

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади

**«ФАРОВОН ТУРМУШ»**

Омонатнинг сақланиш муддати 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади

***хорижий валютада***

**«ИШОНЧЛИ» (АҚШ долларида)**

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

Сизнинг омонатларингиз:
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

***Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин***

Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Сирғали филиали | 371 | 258-67-49 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 224-40-96 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 226-94-75 |
| Навоий вилоят филиали | 436 | 223-54-32 |
| Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-71-94 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 231-08-86 |
| Афросиёб филиали | 366 | 221-77-56 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-12-93 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-97-78 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

**"Асака" банк — сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!**

Хизматлар лицензияланган


## ДЎРМОН ҲАНГОМАЛАРИ

*(янги туркумдан)*

### МУҲАРРИР ҚИСМАТИ

Асарини "Бўлмайди!" деб қайтарсангиз биронта ижодкорга ёқмайсиз. Муҳаррирлик чекига тушганлар буни яхши билишади. Машҳур шоир Эркин Воҳидов ҳам бундай қисматдан бенасиб қолмаган. "Ёшлик" журнали ва Ғафур Ғулом нашриётларида раҳбар бўлганда инжиқ муаллифларнинг тазйиқидан хўп тўйган. Дарвоқе, ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган бир шеърхонликда унинг ўзи бу ҳақда шундай ҳазил шеър ўқиганди. Хотирам панд бермаса, унда шундай мисралар бор эди:

*Муҳаммад Раҳмон,*
*Рустам Раҳмон,*
*Расул Раҳмон,*
*Ҳаммаси тайёр менга*
*Оттмоққа палахмон.*
*Чунки мен муҳаррирман.*
*Холид Ризо,*
*Ихтиёр Ризо,*
*Ҳамроқул Ризо,*
*Ва ҳатто*
*Москвалик Николай Доризо —*
*Мендан норизо.*
*Чунки мен муҳаррирман...*

### ОТАСИДАН ҲАМ КАТТА

Дўрмондаги бир даврада раҳматли шоир Азиз Абдураззоқ ҳақида гурунглашаёттандик. Унинг ғаройиб феъл-атвори, қувноқлиги, афандимижозлигини эслашдик. Шунда устоз Эркин Воҳидов Азиз аканинг ғаройиб бир одатини гапириб қолди:

Азиз ака дилкаш суҳбатдош эди. Ким ҳақида гап кетса, дарров "Э, у киши бизнинг укахонимиз бўлади" дегувчи эди. Бир куни Ғайратий домла Азиз ака ҳақида шундай деган эди: "Агар жиддийроқ суриштирилса, Азиз отасидан икки ёш катта бўлиб чиқади".

### ЎЗИ КЕЛА ҚОЛАДИ

Мирпўлат Мирзонинг шифохонада даволанаётганини эшитиб, телефон қилдим. Ҳол-аҳвол сўрашгач, "Яқин кунларда жўралар билан йўқлаб борамиз" дедим. Орадан кунлар ўтди. Жўраларни бир жойга тўплаш қийин бўлди. Шундай кунларнинг бирида шоирнинг ўзи телефон қилиб қолди.

—Мирпўлат, жўраларнинг бошини қовуштириш қийин бўляптида, — дедим хижолат бўлиб.

—Агар уларни бир жойга тўплай олсангиз, айтинг, ўзим бориб уларни кўриб келаман, — деди ҳозиржавоб шоир дўстим.

**Шодмон ОТАБЕК**


HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил: info@uzhurriyat.uz

Бош муҳаррир Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
Ғулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайди УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-23-35, 236-23-27, 233-67-51; Тел-факс 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: Тел: 233-36-02.

Вилоят мухбирларининг телефон рақамлари:
Бухоро — (+99890)-557-40-17,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — (+99894)-262-25-33,
Қорақалпоғистон — (+99891)-384-41-61.

*Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.*

ISSN 2010-7528
9 772010 752002

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«O‘zbekiston» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.

Навбатчи: Фозил Жабборов

Топшириш вақти — 20 00
Топширилди — 20 00

Адади: 4477 Буюртма — J-8065 1 2 3 4 5